

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**1-МЖ-08 гуруҳ талабаси
Солохитдинов Азизбек Улуғбек ўғлининг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корхонада
инновацияни қўллаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари
(Наманган “МЕХМАШ” ОАЖ мисолида)**

Илмий раҳбар:

Мамажанов Адхам

Наманган-2012

Аннотация

Солохитдинов Азизбек Улуғбек ўғлининг Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корхонада инновацияни қўллаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари (Наманган “МЕХМАШ” ОАЖ мисолида) мавзусидаги битирув малакавий иши хозирги даврга хос диверсификация масалаларини қамраб олган бшчилик, корхонада инновацияни қўллаш ва унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Ушбу битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб «Корхонада инновацияни қўллаш ва жорий этишнинг назарий асослари» деб аталди. Бунда корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари назарий асослаб берилди. Диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолати тўғрисида фикрлар баён этилди.

Иккинчи боб «Наманган “Мехмаш” очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллаш даражаси ва муаммолари» деб номланди. Бу бобда Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти, унда инновацияларни амалга ошириш даражаси тўғрисида фикрлар аберилган. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар аниқлариб улар таҳлил этилди.

Учинчи боб «Иқтисодиётни диверсификациялашда корхонада инновация салоҳиятини ва самарадорлигини янада ошириш йўллари» деб юритилди. ушбу якуний бобда инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналиши тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишланмалар яратилган.

Ушбу мавзуга оид фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар қисмида аниқлаштирилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-боб: Корхонада инновацияни қўллаш ва жорий этишнинг назарий асослари.....	6
1.1. Корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари.....	6
1.2. Диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари.....	9
1.3. Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолати.....	12
2-боб: Наманган “Мехмаш” очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллаш даражаси ва муаммолари.....	16
2.1. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти.....	16
2.2. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияларни амалга ошириш даражаси.....	23
2.3. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар.....	27
3-боб: Иқтисодиётни диверсификациялашда корхонада инновация салоҳиятини ва самарадорлигини янада ошириш йўллари.....	29
3.1. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналиши.....	29
3.2. Иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари.....	31
3.3. Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	34
Хулоса.....	39
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	41

Кириш

Мазунинг долзарблиги. 90-йилларга қадар Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакатлар қаторига киритилиб, ушбу мамлакат ҳудуди мустақилликка қадар хом ашё базасига айлантирилган эди. «Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охириги ўринлардан бирига...»¹ айланган эди. Барча соҳаларда эски технологиялар асосидаги ишлаб чиқариш мавжуд бўлган. Аммо «эскирган асбоб-ускуна ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот бирлигини моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас»² эди. Инновацияларни жорий этиш ҳақидаги мулоҳазалар умуман бўлмаган эди.

Бироқ, мустақилликка эришилган кунлардан бошлаб, ўз табиий ресурсларимиздан тўлақонли ва унумли фойдаланиш имкониятларига эришдик.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон нафақат хом ашё балки, тайёр маҳсулотлар етиштирадиган давлатлар қаторидан жой олган. Республикада амалга оширилаётган модернизация жараёнлари замонавий техникаларни қўллаш имкониятларининг яхшиланиб бораётганлиги, инновацияни кенг тарзда қўлланилаётганлигидан далолат беради

Юртимизда инновацияни қўллаш мақсадида «ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди»³.

Шундай экан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион фаолиятларни кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиётни диверсификациялашда янги техникани иқтисодиётнинг турли тармоқларига кенг қўламда жорий этилмоқда. Бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Аммо биз қўлга киритган ютуқларимизга эмас, балки юзага келаётган муаммоларимизни ҳал этишга томон силжиб борувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, миллий иқтисодиётимизни янада ривожланишига шароит яратиш йўлини танладик. Шу боис инновацияни қўллаш масалаларида салмоқли натижаларга эришиб бўлдик деган хулосага кела олмаймиз. Чунки бу борада яна бир қатор ишларни амалга ошириш зарур бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда ушбу танланган мавзу ўзига хос долзарблик касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги диверсификация жараёнларида инновацияларни қўллаш ва жорий этиш кенг авж олган бўлиб, бу соҳада ҳалигача ўрганилаётган муаммолар мавжуд. Инновацияни қўллаш масалаларига доир фикрлар Республика Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган тўла асарлар тўпламида кенг тарзда келтирилган ва амалий чора-тадбирлар кўрилган. Шунингдек, Й.Шумпетер, Г.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 6 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012.

³ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 11 бет.

Форд, каби таникли иқтисодчилар томонидан ҳам амалий жихатдан ўрганилган. Бу борада россиялик олимлардан С.И. Симоновский, В.М. Кудров, Я. Коркорал кабиларни номларини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда инновацион соҳада амалга оширилган ишлар, олиб борилаётган ислохотлар негизида ташкил этилиб, Б. Абдуллаев, И. Абдураимов, С. Косимов, Н. Муминов, С.Фуломов каби иқтисодчиларнинг илмий изланишларида янги технологиялардан фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий этишга доир мулоҳазалар юритилган.

Бирок, айнан Наманган “МЕХМАШ” очик акциядорлик жамияти мисолида инновацияни қўллашга киритишга доир назарий ва амалий тадбирлар ҳали тўлик ёритилмаган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Наманган “МЕХМАШ” очик акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллаш ва унинг самарадорлигини оширишга доир масалаларни тадқиқ этиш ва яхшилаш мавзунинг асосий мақсадини ташкил этади.

– корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турларини назарий асослаш;

– диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибаларини ифода этиш;

– Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолатини таҳлил этиш;

– Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти тўғрисида мулоҳаза юритиш;

– Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияларни амалга ошириш даражасини тадқиқ этиш;

– Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

– инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишини белгилаш;

– иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари тўғрисида фикр юритиш;

– инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишланмалар яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Наманган “МЕХМАШ” очик акциядорлик жамиятидаги инновация жараёнларининг амалдаги даражаси танлаб олинди.

Тадқиқот предмети. Ушбу корхонада инновацияни қўллашни яхшилаш ва самарадорлигини ошириш масалаларидир.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига оид асарлари; инновацияни қўллаш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика микёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Наманган “МЕХМАШ” очик акциядорлик жамиятининг маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қўйидаги янгиликларга эришилди:

– корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари назарий асослаб берилди;

– диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари ифода этилди;

– Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолати таҳлил этилди;

– Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти тўғрисида мулоҳаза юритилди;

- Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияларни амалга ошириш даражаси тадқиқ этилди;
- Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар аниқланиб улар таҳлил этилди;
- инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналиши белгиланди;
- иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари тўғрисида фикр юритилди;
- инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишланмалар яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Инновацияни қўллаш ва унинг самарадорлиги ошириш мавзуси бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- вилоят миқёсидаги корхоналар фаолиятини яхшилашда;
- саноат соҳасидаги корхоналар айниқса «МЕХМАШ» очик акциядорлик жамияти фаолиятини кучайтиришда;
- Наманган «МЕХМАШ» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий фаолиятида сифат даражасини оширишда;

Битирув малакавий иш кириш учта боб, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Биринчи боб «Корхонада инновацияни қўллаш ва жорий этишнинг назарий асослари» деб аталди. Бунда корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари назарий асослаб берилди. Диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолати тўғрисида фикрлар баён этилди.

Иккинчи боб «Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллаш даражаси ва муаммолари» деб номланди. Бу бобда Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти, унда инновацияларни амалга ошириш даражаси тўғрисида фикрлар аберилган. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар аниқлариб улар таҳлил этилди.

учинчи боб «Иқтисодиётни диверсификациялашда корхонада инновация салоҳиятини ва самарадорлигини янада ошириш йўллари» деб юритилди. ушбу якуний бобда инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналиши тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича ишланмалар яратилган.

Ушбу мавзуга оид фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар қисмида аниқлаштирилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-боб. Корхонада инновацияни қўллаш ва жорий этишнинг назарий асослари

1.1. Корхонада инновация фаолиятини қўллаш зарурлиги ва инновация турлари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада инновацияни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион муҳитни шакллантириш доимий равишда маҳсулотни янгилаш, ишлаб чиқариш фондларини янги техника асосида янгилаш, умумжамиятни ривожлантириш имкониятини яратиш ҳолатларига шароит барпо этади.

Инновация ибораси инглизча “innovation” сўзидан олиниб янги илмий техник ютуқни ифодалаб, янги маҳсулотни амалда қўлланилиш жараёнига айтилади. Илмий адабиётларда ушбу жараённи ташкилотдаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш ва республикамиздаги социал-иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга таъсирини кўриб ўтилган¹. Асосий эътиборни бўлажак менежерларни юқори рақобат шароитида энг оқилона вариантларни танлаш, фойдалилик даражасини таъминлаш ва корхона фаолиятини жадаллаштириш масалаларига қаратилган.

Илмий изланишнинг ҳозирги даврда бизнинг республикамизда иқтисодиёт ривожланиш ҳолати ва барча тармоқлардаги структуравий ўзгаришларга мос равишда олиб борилиши иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни мувофиқлаштиришга олиб келмоқда. Айниқса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янгилик киритиш жараёни бўйича кўп муаммолар пайдо бўлмоқда ва уларни ўз вақтида ҳал этиш, керакли кадр, моддий техника базаси, ташкилий ва услубий тадбирларни талаб этади.

Бугунги кунда миллий иқтисодиёт таркибида «...фаолият кўрсатаётган корхоналарни... техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди»²

Бозор иқтисодиётида турли хил мулк шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг муаммолари инновацион жараёнларни қўллашда юзага келиши мумкин. Корхоналар ўз фаолиятларида инновацияларни қўллашдаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирсаларда, маълум ҳолатларда қийин шароитга тушиб қолиш эҳтимоли кўп учрайди. Чунки инновацияларни қўллаш ҳар қандай корхонада амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун инновацияларни амалга ошириш айрим корхоналар фаолиятидагина кузатиш мумкин. Масалан, корхоналар янгилик жорий этиш жараёнида, хориждан инвестициялар жалб этиш ва рақобатдош маҳсулот чиқариш борасида ҳал этилмаган масалалар ва вазифаларга дучор бўлиб, уларни ечимини топишга интиладилар.

Бироқ шундай корхоналар борки, уларда эски техника ва технологиясини янгиланиш жараёни суст олиб борилмоқда, маҳсулот сифати ва экология талаблари дунё стандартларига мос келмаслигини кўриш мумкин. Бундай корхоналарда инновацияни қўллашда жиддий муаммолар юзага келадик, уларни бартараф этиш учун катта маблағлар талаб этилади.

Корхоналарда инновацияларни қўллаш орқали янги рақобатга асосланиш мумкин. Бошқача айтганда рақобатлашув тенденцияларида ўзгаришлар юзага келади. Мукамал рақобат жамият учун жуда кучли стимул бўлиб, ишлаб чиқариш ҳаражатларини минимумлаштиришга ва иш ҳақини унинг меъёрий унумдорлигига максимал яқинлаштиради.

Инновацияларни қўллашдан олинган фойда эса корхона фаоллигини янада оширишга олиб келади. Бу фойдани Й.Шумпетер (1883-1950) статик фойда деб атади³.

¹ Рахимова Д. Худойбердиев З., Эшонхўжаев Д. Менежмент. –Т.: Академия, 2003. 94-95 бетлар.

² Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 11 бет.

³ Қаранг: Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Прогресс, 1982.

Бунда иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришни янги даражага олиб чиқишга қодир эмас. Янги даража инновация билан боғлиқ, у эса ортиқча харажатни талаб қилади.

Новаторлик рақобатнинг янги типини шакллантиради. Бу ҳолат янги товар, янги технология, умуман бирор хил янгиликка, устунликка эга бўлганда содир бўлади.

Новатор бошқа корхоналар яшашига ҳалақит бера бошлайди. Чунки новаторлик асосида фаолият кўрсатаётган рақиб бошқалардан сакраб-сакраб олдинга кетиб қолади ва ўз соҳасида монополистга айланиши мумкин. Буни й.Шумпетер «яратувчи бузғунлик» деб айтган.

Корхонада инновация жараёнларини амалга оширишда қўйидаги босқичларда содир бўлади:

Босқич 1. Юзага келган ғояларни тизимлаш: Бу босқичда янги ғояларни амалда қўллаш ва имкониятлари аниқланади. Бунда бир неча муқобилликлар юзага келиши табиий. Улардан энг мақбул варианты танланади. Янги маҳсулотнинг корхона имиджига ва ривожланиш стратегиясига мувофиқ келиши аниқланади. Шу тарзда бўлажак буюм патентини белгилашга ўтилади.

Босқич 2. Аниқланган ғояларни танлаш ва янги маҳсулот ғояларини ишлаб чиқариш зарурлиги. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

– бозорда технологик ўзгаришлар ҳақида ахборот тўплаш;

– маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш муносабатларида фирманинг салоҳиятли имкониятлари ҳақида ахборот тўплаш;

– таваккалчилик даражаси ва меъёрларини белгилаш.

Босқич 3. Янги маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш, маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш: Маркетинг янги маҳсулотни юзага келиши учун ёрдам берадиган соҳа ҳисобланади. Бу босқичда эътибор киритиладиган жиҳатлар қуйидагича:

– ғоя аниқ лойиҳа кўринишига ўтганда маҳсулотнинг техник жиҳатдан ишлаб кўриш:

– маҳсулотнинг техник-иқтисодий тавсифини аниқлаш, унинг истеъмол хусусиятларини ва сифатини баҳолаш;

– савдо ҳажми ва бозорнинг потенциал (яширин) талабини баҳолаш;

– янги маҳсулотни яратиш ва ўзлаштиришдаги харажатларни (инвестицияларни) аниқлаш;

– янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг мавжудлиги: машина ва технологик иншоотлар, хом ашё ва материаллар, персонал кадрлар, молиявий манбаалар;

– янги маҳсулот ишлаб чиқариш муддатлари ва у билан бозорга кириш;

– янги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги (фойдалилиги)ни баҳолаш ва таҳлил этиш, маҳсулот бўйича маркетинг дастурларини ишлаб чиқариш.

Босқич 4. Янги маҳсулот яратиш: Кўриниб турибдики, янги маҳсулотни яратиш босқичига 3 та босқич амалга оширилади. Бу ҳам корхонада инновацияни қўллашдаги қийинчиликларнинг нақадар мураккаблигини кўрсатиб турибди. Янги маҳсулот яратиш босқичида қуйидагилар амалга оширилади:

– корхона бўлимлари бўйича мажбуриятларни тақсимлаш билан янги маҳсулотни ривожлантиришнинг аниқ дастўрини ишлаб чиқиш;

– намуна яратиш ва техник тадқиқот ўтказиш (экологик тозалигини, хавфсизлигини ва хоказоларни текшириш);

– товарнинг номланишини, унинг товар белгисини, расмийлаштиришни, ўрамини (упаковкасини) ва маркировкасини белгилаш.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 4-босқичнинг ўзида янгича ёндашувларни амалга ошириш тақазо этилади.

Босқич 5. Бозорда тест ўтказиш:

– чекланган бозорда уч ой мобайнида нарх ва бошқа тижорат муҳитлари (нархлардан чегиртмалар тақдим этиш, кредитлар ва бошқалар) бўйича ўтказиш;

- тарқатишнинг (сотишнинг) мақбул каналларини танлаш;
- реклама услублари ва воситаларини танлаш;
- техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Босқич 6. Маҳсулотни сотиш бўйича маркетинг дастури асосида янги буюмни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиш (оммавий, кўп нусхада): Бу босқичда маҳсулот яратиш жараёни бошланиб, ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бу босқичда асосий бажариладиган ишлар:

- янгиликни тижорий асослаш: савдо ҳажми, маҳсулот рентабеллиги, талаб ва эҳтиёжларни кондириш даражаси, сотиш услуги ва каналлари;
- товарларни сотишда тажрибанинг мавжудлиги: бозордаги машҳурлик, ва корхона шухрати, ҳаридор ва истеъмолчилар билан турғун алоқалар;
- корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари: мавжуд қувватлардан фойдаланиш, ресурслар ва малакали кадрлар билан таъминланганлик;
- молиявий имкониятлар: оммавий ишлаб чиқаришда инвестицияларнинг умумий йиғиндиси ва савдо, молиявий манбалар, ҳисобот даврида кутилиши мумкин бўлган (фойдалилик ёки зарар кўриш) натижалар;
- меъерий кўрсаткичларга - стандартларга давлат меъёрларига мувофиқлаштириш;
- янгиликларни патент ҳимоясини таъминлаш.

Агар юқоридаги босқичлар пухта амалга оширилса, ҳар қандай корхона инновацияни жорий этганда бозорга шиддан билан кириб боради ва максимал фойда олишга киришади. Шундай муҳит юзага келиши мумкинки, бунда монопол мавқега эга бўлиш ҳам табиий.

Тарихан монополистик бирлашмаларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охири - XX бошларида бошланган. Бу даврда йирик техник ўзгаришлар содир бўлди, биринчи навбатда металлургия, машинасозлик, химия саноати ривожлана бошлади. Электроэнергияни кўплаб ишлатиш бошланди.

«XIX асрнинг охирида, энг ривожланган мамлакатларда саноатнинг етакчи тармоқларида тармоқ ишлаб чиқарадиган товарнинг анчагина қисмини ўз назоратида ушлаган йирик корхоналар пайдо бўлди. Буларни монополия (грекча – моно - бир, ягона ва полио – сотувчи, эгалик қилувчи) деб атай бошладилар»¹. Бундай бирлашларнинг мақсади ўзларининг устунлик ҳолатларидан фойдаланиб бозорда ўзларига маъқул баҳоларни (монопол юқори ва монопол паст баҳони) белгилаб максимал юқори фойда олиш бўлган.

Фикрларимизни давом эттириб қайд этиш мумкинки, тадқиқотчилар инновацияларнинг тор таърифлари билан чегараланмасдан, унинг учта асосий турини ажратиб кўрсатадилар: маҳсулотлар, техника-технология ва ташкилий бошқарув.

Маҳсулотлар инновацияси энг кенг тарқалган бўлиб, жуда кўп корхоналарда мавжуд. Бунда бир корхонадан бошқа корхонага ўтиш характери фарқланади. Айрим корхоналар учун анъанавий профилга кирувчи маҳсулотлар ассортиментини алмаштириш ёки маҳсулотлар сонини сезиларли даражада ошириш, бошқалар учун - истеъмол талабларини инобатга олган ҳолда, анъанавий маҳсулотнинг истеъмол сифатини оширишдир².

Баъзан янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологик ўзгаришларни, эски асбоб-ускуналарда амалга оширилади, баъзида эса, янги маҳсулот ишлаб чиқариш корхонанинг янги техник-технологик жиҳатидан жиҳозлаш билан амалга оширилади. Технологик инновацияларнинг етакчи мотиви бўлиб, бозор талабини қондирувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шунинг билан бирга, инновацияларни юзага чиқарувчи сабаблар турличадир: технология жараёнининг такомиллашуви, ресурсларни иқтисод қилиш, экологик талаблар, замонавий технологик қарорларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

¹ Қаранг: Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Прогресс, 1982.

² www.strategyclub.com // Ведения инноваций в предприятиях.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, таннархини тушириш ва хилларини кенгайтириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш, технологик янгиликларни жорий қилишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда корхоналарда ускуналарни алмаштириш, асосан рақобатга қарши восита эмас, балки уларнинг маънавий эскириши туфайли амалага оширилмоқда.

Ташкилий-бошқарув инновациялар кўпроқ, фирманинг барча даражаларида кундузги бўлимларни, бўлинма ва хизматларни ташкил этиш орқали тавсифланади. Масалан, маркетинг бўлимлари, янги йўналишлар ва маҳсулотни сотишнинг кундузги усулларини яратиш. Бунда ишлаб чиқариш ва персоналии бошқариш усулларини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича инновация чора-тадбирларини кўриш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмаски, жамият учун кўпгина керакли ғоялар, фанинг потенциали етарлича очиб тақдим этилмаганлиги учун татбиқ этилмасдан қолган. Бу ишни фақат ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашга тайёр кишиларгина яхшироқ амалга оширишлари мумкин. Чунки, ғоялар билан бевосита боғлиқ муаллиф, ҳам муаллиф ёки ушбу ғояларни туғилишида қатнашганларгина уни ҳаётга татбиқ этишга бошқалардан кўра купроқ ишонади. Маҳсулотлар инновацияси, кўпчиликни қизиқтирганлиги учун ҳам яшаб қолиш имкониятлари кўпроқ. Инновация қилувчининг вазифаси ҳам инновацияни одамларнинг амалий фаолиятига айлантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан инновация қилувчиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ўз ихтиросини (ғояни) амалга ошириш билан боғлиқ тусиқларни енгиб ўтган ихтирочи;

– воситачилар (маслауатчилар)- тадбиркорлик тузилмалари ёки жамоат фикрини инновациялардан фойдаланишга йўналтирувчилар;

– ўз ихтироларини (ғояни) қонуний асосда сотиб олиб, уларни амалиётга татбиқ этадиган тадбиркорлар;

– давлат ва жамият ҳаётининг маълум йўналишида фойдаланиш учун ихтирога (ғоя) ижтимоий аҳамият берадиган давлат ва жамоат арбоблари.

Фикримизча, корхоналарда жорий этилган инновациялар мавжуд мувозанатни бузади ва иқтисодиётни янги мувозанат сари ривожланишга ундайди. Бу жамият ривожини таъминловчи ҳар кунлик ва ҳар дақиқада содир этиладиган меъёрий жараёнدير.

Жамият ҳаётининг турли йўналишларини бошқаришда йўл қуйиладиган ҳатолар ёки сиёсий воқеалар, шунингдек, айрим фалокатлар натижасида юзага келадиган инқирозлар инновацияларнинг юзага чиқишига туртки бериши мумкин.

1.2. Диверсификация шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари

Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатларида анъанавий илмий техника тараққиётида инновацион, илмий технологик тартибга жадал ўтиш жараёни рўй бермоқда. Айниқса диверсификация шароитида бундай жараён кўлами янада кенгайиб бориши табиий. Инновацион тартибнинг аввалгисидан фарқи шундаки, фаннинг шаклланиши ва давлат томонидан молиялаштириш тизимидан технологик ва илмий инновациялар барча турларини давлат томонидан рағбатлантиришга ўтиш кузатилмоқда.

Ҳозирда АҚШда ва хусусан, Ғарбий Европада энг аввало Франция, Германияда фан-техника сиёсатининг инновацион сиёсатга айланиши рўй бермоқда. Унинг асосий вазифаси – илмий ва технологик инновациялар, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналар¹ учун, шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли дастурлар соҳасида тезкор диверсификация учун энг қулай шароитлар яратишдир. Фанни молиялаш бўйича АҚШ жаҳонда етакчи

¹ Изох: Кўпчилик ривожланган мамлакатларда кичик бизнес фаолиятида ўрта корхоналар мақоми ҳам мавжуд. Ўзбекистонда ўрта корхоналар 2003 йилнинг охиригача фаолият кўрсатган ва янги гарадацияга асосан улар кичик корхоналар таркибига киритилган.

ўринлардан бирини эгаллайди. Янгиликларни жорий этиш жараёнлари жуда тез амалга оширилиб уларнинг рақобатчилари ҳам топилади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда диверсификация шароитида илмий тадқиқот ишлари ва муҳандислик тадқиқотлари (ИТИМТ)ни молиялашдаги давлатнинг роли анча фаол бўлиб, фақат давлат ташкилотлари томонидангина амалга оширилмайди. Бунинг учун хусусий корхоналар ҳам ўз хиссаларини қўшиб борадилар. Ҳозирги вақтда АҚШда федерал ҳукумат улуши (молиялаш манбаи сифатида) барча харажатлар салмоғининг 50 фоизини ташкил этади.

Бу кўрсаткич Буюк Британия, Швеция ва Германияда 40 фоиз атрофида, Францияда 57 фоиз, Японияда 28 фоизга тўғри келади. Илмий тадқиқот ишлари ва муҳандислик тадқиқотлари (ИТИМТ) соҳасининг давлат томонидан бундай эътибор билан қўллаб-қувватланиши қонуний бўлиб, бир қатор далиллар билан изоҳланади.

Диверсификация шароитида илмий тадқиқот конструкторлик ишлари давлат томонидан турли шаклларда қўллаб-қувватланиши мумкин, жумладан:

– илмий тадқиқотлар учун бевосита бюджет маблағларини ажратиш (давлат ташкилотлари орқали молиялаш, шартномалар тузиш, субсидиялар ажратиш). Айни ҳолатда давлат йирик харажатлар талаб қилинадиган ва кўплаб таваккалчиликка эга бўлган фаннинг етакчи йўналишларидаги кўп капиталли тадқиқотларни молиялашни ўз бўйнига олади;

– илмий тадқиқотларни (ИТИМТ) билвосита молиялашнинг турли усуллари: хусусий компаниялар, инновация жараёнини рағбатлантириш, шунингдек, улар инвестициясини янги асбоб-ускуналар олиш учун кенгайтириш мақсадларида солиқ ва амортизация имтиёзларидан фойдаланиш.

Давлат айни вақтда кичик тадқиқот бизнеси учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади, давлат томонидан фан-техника тараққиётини бевосита молиялаш хусусида тўлароқ тўхтаб ўтамиз.

Ривожланган давлатларда инновацияларни амалда қўллаш учун субсидиялар (грантлар) берилади, субсидияларнинг ўзига хослигини қуйидагича белгилаш мумкин:

- улар кичик ижрочиларнинг асосий иш жойида ойлик иш ҳақидан ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда берилади;
- субсидиялар қайтариб берилмайди;
- субсидия олган олим ёки илмий жамоа, олган маблағларни мустақил сарфлайди.

АҚШ давлат инновация сиёсатининг объекти – бу асосан хусусий бизнесдир. Давлатнинг бу борадаги сиёсати мавжуд илмий-техник ютуқлардан хўжаликда фойдаланишга, илмий-техник мажмуада ички алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Давлат инновация сиёсатининг усул ва воситалари анча кенг. Бунга у ёки бу маънода бизнеснинг инновацион фаоллигини рағбатлантирувчи турли хил давлат тадбирлари киради. Америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, энг самарали ташкилий шакллардан бири университет – саноат ва тадқиқот марказлари саналади. Давлат иштирокида ташкил этиладиган бундай марказлар доирасида жуда кенг қўламдаги илмий-техник масалаларни ҳал этиш имкони мавжуд. Саноат корхоналари ва университетларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотларига оид йирик дастурлар давлатнинг мақсадли илмий жиҳатдан иштирокчилар фаолиятининг бошқа корпорация механизмини назарда туттади.

Ўзбекистонда АҚШ давлат инновация сиёсатининг маълум бир томонини қўллаш мумкинки, бунда давлат молиявий маблағларининг умумлашишини ва саноат моддий техника базасини малакали олий ўқув юртлари кадрлари билан таъминлаши рағбатлантирилиши лозим. Узоқ истикболга мўлжалланган таваккал илмий техника лойиҳаларига маблағ ажратишга саноат корхоналарини қизиқтириш учун давлат дастлабки харажатларни ўз бўйнига олиб қолмасдан, иштирокчи фирмаларга кашфиёт ва ихтиролардан фойдаланишда бепул лицензиялар ҳам бериши керак бўлади.

АҚШдаги энг йирик компанияларда ишлаб чиқариш ҳажми кўпинча энг мақбул меъёрдан ошади, айнан шу нарса илмий техника соҳаси ривожланишида монополияни тўхтатади, кичик фирмалар фаолиятининг муваффақияти ҳам шунда. Ўзбекистонда йирик фирмалар кўмакчиси сифатида ишлайдиган кичик фирмаларни ташкил этиш учун шарт-шароитлар мавжуд, уларни амалдаги ҳолатини фаоллаштириш зарур.

Маълумки, Япония ҳам инновацияларни жуда кенг қўллайдиган давлатлар қаторига киради. Японияда инновация сиёсатини амалга оширишнинг ўзгача механизми мавжуд, яъни Япония ҳукуматининг дастурий ҳужжатларида баён этилган илмий техника янгиликлари яратилишида стратегик тадқиқотлар етакчилари, йўлбошчилари гуруҳи ўқитилишини таъминлашга қаратилган. Айни пайтда, инновация сиёсатини қайта кўриш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, шу мамлакатнинг бошқалардан афзал бўлган ўз техника ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш патент, лицензия савдосига нисбатан талабчанликни ошириш орқали рағбатлантирилади.

Японияда ишлаб чиқилган мазкур сиёсат амалга оширилишининг ўзига хос томони шундаки, компанияларнинг лойиҳаларга (кўпинча давлат томонидан молияланадиган) жалб этиш механизми яхши ишлайди. Давлатнинг бу жараёндаги роли хусусий секторда, жамоа, саноат, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришда кўринади. У биринчи галда йирик корпорациялар билан ҳамкорлик қилишга интилади.

Япония тажрибаси шуни кўрсатадики, демак, Ўзбекистонда шаклланаётган инновация соҳаси жиддий технологияларни амалга ошириш ассоциатив шаклда илмий текшириш ташкилотлари ва корхоналари имкониятларини вақтинчалик ёки доимий тарзда бирлаштиришни талаб этади. Албатта, бунда бош лойиҳани амалга ошириш учун давлат буюртма бериш орқали кўмаклашмоғи керак.

Саноати ривожланган илғор мамлакатлар инновация сиёсатининг замонавий давлат стратегиясига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

- илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молияланиши;
- солиқ ва амортизация сиёсатига мос ҳолда ривожланган контракт тизими ёрдамида бизнесга илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш;
- университетлар ва давлат илмий марказларида умуммиллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш;
- таълим тизимини молиялаш ва ташкилий такомиллаштириш, айниқса, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- илмий-техник маълумотларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган саноати ривожланган мамлакатлардаги давлат инновация соҳаси стратегиясининг умумий томонларини у ёки бу даражада Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин. Бу ўринда албатта, илгари тўпланган тажриба, анъана ва ҳукуматнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Францияда илмий-техникани ривожлантириш афзалликларини ишлаб чиқиш вазибалари уч йўналишида олиб борилади. Биринчи даражадаги ишлар, асосан, илмий тадқиқотлар илмий марказ (СНРС¹) томонидан амалга оширилади. Мазкур марказ илмий тадқиқотларни, жумладан, ижтимоий ва инсон ҳақидаги фанлар бўйича тадқиқотларни молиялаш борасидаги миллий агентлик саналади, у асосан, фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди.

Илмий-техника ва инновация ривожланишининг устунликларини башорат қилиш ҳамда белгилаш бўйича ишлар эса, Франциядаги йирик хусусий саноат ва давлат корхоналари томонидан амалга оширилади. Бу борада бирқатор муаммолар мавжуд бўлсада, Франция йирик башорат қилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга. Хусусан, атом ва молекуляр физика, қаттиқ жисмлар физикаси ривожланиши бўйича башоратлар қилинган.

¹ СНРС – Францияда фаолият кўрсатаётган илмий марказ номи, абревиатурада берилган.

Италияда молиялаш ва техник имкониятлар муаммолари мавжуд тармоқларга оид корпорация ва кичик инновация фирмалари ўртасида мустақкам алоқа мавжуд. Данияда эса, «тармоқлар схемаси» (чизмаси) деб аталувчи кичик инновация фирмаларининг тармоғи мавжуд бўлиб, уларнинг инновациялари Англия, Испания ва АҚШга экспорт қилинади.

Швеция ва Норвегияда ишчиларнинг бизнесда иштирокига кўмаклашишда бой тажриба тўпланган. Буюк Британия хусусий капитални жалб этиш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Нидерландия ва Белгияда технологик рейтингни яратиш учун мунтазам тарзда ишловчи банклар ва инновация марказлари тармоқлари ташкил этилган.

Инновацион жараёнларни доимий тадқиқ этиш учун Европа ҳамжамияти 1983-йилда инновациялар ва технологияларни узатишга кўмаклашишнинг стратегик дастурини яратди. Бу Европада инновацион жараёнлар самарадорлигини белгиловчи омилларни даврий тадқиқ этишни бошлаб берди. Ушбу дастурни амалга ошириш натижасида тўпланган маълумотлар инновация тўғрисидаги «яшил китоб», деб номланувчи маърузанинг ёзилишига сабаб бўлди. Унда инновация жараёнларини рағбатлантиришнинг мавжуд имкониятлари таклиф этилган.

МДХ мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларга техник жиҳатдан кўмаклашиш бўйича ТАСИС дастури биринчи галда ўз олдида хусусийлаштиришнинг бозор шакллари, молия, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик инфратузилмасини яратиш соҳаларидан Европа Ноу-Хау тажрибаларини ўзлаштиришга қаратилган. Кўришиб турибдики, у асосан бошқарув, ахборот ва молия соҳасидаги лойиҳаларни молиялашга қаратилган.

ИНТАС дастури эса, ахборотлар ва ходимлар билан илмий-техник алмашувининг анъанавий кооператив шакли саналади, у инновация соҳаси учун деярли аҳамиясиз кўринсада, инновацион тарздаги ахборотларни олиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, инновация жараёнларини бошқариш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш илмий-техник таълим тизимини модернизациялашнинг илмий имкониятларини очиш, хориж технологиясини келтириш, рақобатбардошлик йўналишларини аниқлаш ва бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган.

1.3. Ўзбекистонда инновацион амалиёт жараёни ҳолати

Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида республикада инвестиция — инновация миллий Дастури ягона мақсадга йўналтирилган ҳолда, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур Дастурда яқин йилларга мўлжалланган устувор ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар белгиланган бўлиб, Дастур иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, машинасозлик, тоғ-кончилик, кимё, енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳаси каби деярли барча соҳаларини қамраб олган.

Дастурни амалга оширишда республика ҳукумати ҳузуридаги Фан ва технологиялар Маркази муаммолар бўйича кенгаши, илмий-техника марказлари, вилоятлар қошидаги фан ва техника халқаро марказлари ҳамда илғор технологиялар марказлари иштирок этиб бормоқдалар. Халқаро марказларда амалий (ишлаб чиқариш тузилмаларида тайёрланган) ва инновацион (фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги) вазифа ҳамда муаммолар шакллантирилиб, консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатилади. Шу билан бирга бу соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўп. Жумладан, иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида инновация лойиҳаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш зарур.

Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида инновацион фаолият марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган турда молиялаштирилади. Биринчи усулда пул маблағлари, давлат бюджети, илмий-техник ривожланиш давлат Дастурига киритилган лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш амалга оширилади:

– танлов ишларини бажариш бўйича жамғармалар;
– муайян лойиҳа учун ажратилган ва қайтарилиши кутилмайдиган грантлар ҳамда субсидиялар;

– ҳокимиятлар ва бошқарув органлари махсус буюртмаларини молиялаштириш;
– давлат банкларининг кредитлари ҳисобидан тақдим этилади.

Молиялаштиришнинг марказлаштирилмаган усули корхоналарнинг хусусий маблағлари, хорижий инвесторлар, хусусий шахслар, махсус молия ёки ҳайрия жамғармалари ҳамда кредит маблағларидан фойдаланишга асосланган. Масалан, АҚШда саноат компаниялари ва банклари университетлар, коллежлар, федерал ҳукумат идоралари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари, соҳалар ва уларнинг уюшмалари, хусусий шахслар илмий жамғармаларини ташкил қилишда фаол қатнашадилар.

Ўзбекистоннинг Давлат инвестиция сиёсати биринчи навбатда иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ҳамда чет эл инвестицияларини кенг миқёсда жалб қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳалари танлови асосида ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилгандир.

Бозор ҳўжалигига мос бўлган солиқ тизимига ўтиш инновация тузилмасининг молиявий жиҳатдан таъминланиши яхшиланишига кўмаклашади. Мазкур тизимнинг моҳияти белгиланаётган солиқ миқдори маҳсулотнинг янги яратилган қиймати миқдори, олинган фойда ҳамда мавжуд бўлган мулк қийматига бевосита боғлиқлигидан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги солиқ тизими кичик корхоналар, жумладан, инновация корхоналари фаолият юритиш шароитларини ҳисобга олмайди. Инновация корхоналари, бошқа хусусий корхоналар каби фойда солиғини тўлаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эгадирлар. Жумладан, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуқи тақдим этилган. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмайди.

Мазкур имтиёз тугатилган ёки давлат тасарруфидан чиқарилган ёхуд санация натижасида қайта тузилган инновация корхоналари, уларнинг филиаллари ҳамда тузилмавий бўлинмаларига тегишли эмас.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибасига кўра, инновация корхоналари учун республикада қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида амал қилаётган барча имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлари учун илмий-техник асбоб-ускуналар сотиб олган йилнинг ўзидаёқ, 50 фоизли амортизация ҳуқуқига қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ҳуқуқига эга бўлишлари лозим.

Саноат соҳаси учун инновацияларни жорий этадиган корхоналарга лицензиялар ва «ноу-хау»ларни сотиш жараёнида солиққа тортиш вақтида чегирмалар тақдим этилиши, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни амалга оширадиган корхоналарга эса солиққа тортиладиган маблағлар ҳисобидан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилиши лозим.

Оқилона инвестиция сиёсатини юритишда давлат томонидан инновацион тадбиркорликка сармоя кўйишнинг ўзига хос афзалликлари яратилади. Кўпчилик салоҳиятли инвесторлар учун қимматли қоғозлар айланиш соҳасининг қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар, хусусий кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилган қарз кафолатлари энг жозибадор бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозларни маҳаллий ва халқаро бозорларда тарқатилиши самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда «Дав-инсом» инвестиция фирмаси ташкил қилинган. Ушбу фирма қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш юзасидан давлат вакили ҳисобланади.

Салоҳиятли сармоядорлар эркин пул маблағларини жалб этишда энг муҳим иқтисодий инструмент фонд бозоридир. Акциялар ликвидлиги, фирманинг реклама-ахборот фаолияти, валюта майдончасида сотувга қўйилган акциялар ҳаракатининг таҳлили ва акциялар пакетини чет эл инвесторларига сотиш Фонд бозори ҳолатининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Инновацион бизнес бўйича фаолият юритадиган тадбиркорлар ва инвесторларнинг даромади, инвестиция корхоналари активларининг бозор қиймати ўсишига белгиланган солиқ ставкасига, яъни фонд бозорида сотиладиган қимматли қоғозларнинг сотув қийматига ўрнатиладиган солиқ ставкасига боғлиқдир. Солиқ ставкаси инновация корхоналарини молиялаштириш таваккалчилиги даражасини оширувчи ёки камайтирувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларда дивидендиардан, қимматли қоғозларни сотиб олишдан ундириладиган солиқ, шунингдек, таркибига қимматли қоғозлар қиймати киритилган корхоналар мулкидан олинадиган солиқ каби ундириладиган турли хил қайта-қайта солиқларга йўл қўймаслик лозим. Солиқ солишнинг бу каби амалиёти натижасида ишбилармонлик фаоллиги пасаяди, яъни инновацион корхоналар ташкил топиши суръатлари қисқаради, оқибатда ҳозирги кунда корхоналарнинг фаолият юритиш имкониятлари камайиб боради. Солиқ юқининг пасайиши инновацион тадбиркорликка ҳамда иқтисодиётнинг хусусий секторига инвестициялар жалб қилишда иккиламчи капитал (қимматли қоғозлар бозори)нинг аҳамиятини оширади. Шундай қилиб, инновация ва инвестиция сиёсатининг асосий вазифалари:

- иқтисодий фаолиятда барқарорликнинг таъминланиши (солиқлар, фоиз ставкалари, амортизация меъёрлари);

- устувор соҳаларда салоҳиятли, истиқболга эга корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаларига жалб қилишдан иборат бўлиши зарур.

АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари тажрибасидан равшан бўладиги, қулай инновацион тадбиркорликни ташкил қилиш учун имтиёзли акциядорлик опционини қонун асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу опционга кўра, инновацион корхоналарнинг маълум бир қисмини эмиссиядан бир неча йил ўтганидан сўнг, опцион берилган пайтдаги номинал қийматга тенг бўлган нарх асосида сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Натижада, юқори малакали ходимлар ва менежерлар учун инновация корхоналаридаги меҳнат жозибadorлиги ошади, чунки кичик корхоналар йирик корпорациялар каби юқори иш ҳақини белгилай олмайдилар, бироқ уларда келгуси фойдадан даромад олиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистонда инновация фаолиятини тадбиркорликнинг устувор йўналишига айлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- узоқ муддатга (10 йил) ҳамда яқин 2-3 йилга мўлжалланган давлат инновация сиёсатининг асосий йўналишларини қамраб олган инновация тузилмасини ривожлантириш дастурини яратиш. Ушбу дастурда давлат органлари ва илмий бирлашмаларнинг (ЎЗР Фанлар Академияси, соҳалар бўйича илмий-техник ва муҳандислик жамиятлари ва бошқалар) вазифалари аниқ ишлаб чиқилиши лозим;

- инновация лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг самарали тизимини ташкил қилиш. Бу тизимда лойиҳаларга қўйиладиган талаблар: босқичма-босқич амалга оширилиши, қайтарилмаслик, муаллифлар билан мулоқот, экспертларнинг жавобгарлиги, уларни рағбатлантириш муддати чизилганлиги ва бошқалар;

- муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш. Илмий-техника ва инновацион фирмалар фаолият юритиши учун қулай шароит яратиш. Мазкур фирмаларда асосий техник ечимларнинг муаллифлари билан бир вақтда корхона эгалари ҳам хал қилувчи рол ўйнайди;

- инновация ташкилотлари секторига молиявий қўйилмалар ва реал инвестициялар уйғунлашувини таъминлайдиган инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг венчур

тизимини ташкил қилиш;

- инновация лойиҳалари ҳақида маълумотга эга бўлган кучли ахборот тизимини ташкил қилиш;

- қонунчилик меъёрий базасини, солиқ солиш, ҳисоблаш тартиби ва ундирилишини соддалаштириш ҳамда инновация фаолиятини рағбатлантириш жиҳатларини такомиллаштириш:

- инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг нодавлат тизимини рағбатлантириш;

- қайтарилиш асосидаги лойиҳалар молиялаштирилишининг ривожлантириш, технопарклар шаклидаги илмий ташкилотлар тузилмасини шакллантириш;

- лизингни ривожлантириш;

- йирик лойиҳаларга биргаликда сармоялар қўйиш учун молиявий уюшмалар фаолиятини ривожлантириш (банклар уюшмаси);

- инвестиция, кредит ва суғурта молия институтларини ривожлантириш;

- фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг иккиламчи бозорини ривожлантириш;

- қўшимча имтиёзлар тақдим этиш йўли билан устувор инновацион лойиҳалар ҳамда Ўзбекистон ҳудудларига чет эл инвестициялари оқимини давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш;

- депозитлар ва қўйилмаларга фоиз ставкаларини ошириш йўли билан корхоналар ва аҳолининг бўш пул маблағларини инвестиция мақсадларига жалб қилиш;

- давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш иқтисодиёт тузилмасини туб-дан ўзгартириш, хомашё жараёнидан тайёр рақобатбардош маҳ-сулот ишлаб чиқаришга ўтиш, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги алоқала-рига интеграциялашувини жадаллаштириш вазифаларига мувофиқ илмий-тад-қиқотлар, ишланмалар ва инновация лойиҳаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда инвестиция-инновация миллий Дастури асосидаги лойиҳаларнинг жадаллик билан амалга оширилишида муҳим омил ҳисобланади.

2-боб. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни кўллаш даражаси ва муаммолари

2.1. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг бошқарилиши ва иқтисодий фаолияти

Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти 1982 йилда «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси асосида ташкил этилган. Наманган вилоят давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1995 йил 7 декабрдаги 314/К-ПО сонли давлат корхонасини очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги буйруғига асосан тузилган ва Наманган шаҳар хокимининг 1995 йил 22 декабрдаги 12/1054-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтган.

Ҳозирги кунда биз таҳлил этаётган Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг манзили Наманган шаҳри, Оромгоҳ кўчаси 27-уй бўлиб, унинг асосий вазифаси – бу пул-товар муносабатларининг ривожлантириш ва иш хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг реализацияси асосида келиб чиққан манфаатларини таъминлашдир.

Мазкур акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа амалдаги қонунларга ҳамда ушбу Низомга амалга қилган ҳолда ташкил этади. Жамият Қонун ҳужжатларида манн этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий давлатларда филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Филиал ва ваколатхоналар бошқаруви жамият томонидан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади ва улар жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

Бизнинг объектимиз ҳисобланган ушбу жамият юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга. Бу корхона ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, суда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Бу жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Рсеупбликаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб рақамлар очишга ҳақлидир.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти бошқа корхона ёки янги жамият иштирокчиси, таъсисчиси бўлиши, уюшмалар ва бирлашмалар ҳамда компаниялар таркибига Кириши, амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда қўшма корхоналар ва фирма дўконлари ташкил этиши мумкин. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шунингдек, давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек, жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат асосида фаолият кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш орқали аҳолининг эҳтиёжини қондиришдир. Бозорда мавжуд талабга асосан таклиф мувозанатини ушлаб туришдир.

**1-жадвал. «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида
ишлаб чиқарилган маҳсулотлар¹**

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2010 йилда	Таннархи (минг сўм)	2011 йилда	Таннархи (минг сўм)	Миқдори-га нисбатан фарқи %да
1	Ҳар хил ўлчамдаги пўлат қувурлар	тонна	8955	18547147	9049	23426729,8	101,0
2	Архив стелажлари	дона	57	99622,4	56	122343,3	98,2
3	Тюльпан	дона	5	4089,8	5	5112,2	100,0
4	Конструкция флаги-10	дона	6	11272,3	7	16438,7	116,6
5	Конструкция Флагхток	дона	20	11685,7	21	15337,5	105,0
6	Пано	комплект	6	59000	5	6105,4	83,3
7	Урна	дона	101	9600	108	12153,6	106,9
8	Пистолет держак	дона	1	260,6	1	325,7	100,0
9	Шлагбаум 6 метр	дона	1	405,2	1	506,5	100,0
10	Табурет ножка	дона	3	335,2	3	418,9	100,0
11	Хизмат кўрсатиш MIKRONAIR	Га	92000	201328,8	90000	246190,1	97,8
12	НРУ-0,5 ускунаси	комплект	4	11500	4	14375	100,0
13	Трихограмма ускунаси	комплект	1	23200	1	29000	100,0
14	Бракон ускунаси	комплект	1	59200	1	74000	100,0
	Жами			19038647,0		23969036,7	

¹ Жадвал муаллиф томонидан «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

**2-жадвал. «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти таркибида
ташкил этилган кичик буюртма ва хизматлар
(шартнома асосидаги ишлаб чиқариш)¹**

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2010 йил	Тан-нархи (млн. сўм)	2011 йил	Тан-нархи (минг сўм)	Микдори-га нисба-тан фарқи %да
1	Сув иситадиган котёл	комплект	29	151,5	31	160,88	106,9
2	Сребок	дона	2	0,0408	2	0,0542	100,0
3	Кураклар	дона	10	0,0853	10	0,0925	100,0
4	Решётка АКФА (офис учун)	дона	2	3,983	1	2,306	50,0
5	Вафли қолипларини ишлаб чиқариш	дона	1	0,169	1	0,239	100,0
6	Беседка скамейка	комплект	2	0,512	3	0,955	150,0
7	Флагхток	комплект	1	0,107	1	0,198	100,0
8	Турли ҳажмдаги эшиклар	дона	6	2,989	7	3,488	116,6
9	Сотиш растаси учун скамейка	комплект	-		1	0,237	
10	Ечиниладиган шакф	комплект	1	0,59	2	1,160	2 М
11	Меҳнат анжомлари учун шкаф	комплект	3	2,374	3	3,411	100,0
12	ИИВ столи учун каркас	дона	-		1	0,021	
13	Скамейка	комплект	14	7,2978	13	6,7766	92,8
14	Вагон контейнер	дона	1	1,869	1	2,283	100,0
15	Ванна	дона			1	0,158	
16	Сейф (металлдан)	дона	16	6,248	18	7,076	112,5
17	Балкон учун панжара	дона	1	0,235	1	0,333	100,0
18	Панно ДЮЕ 11.07.77.00.00	дона			1	0,546	
19	Теплица монтажи учун тахталар	дона			49	9,3688	
20	Бошқа хизматлар		2	1,973	2	2,907	100,0
21	Печка	дона	1	0,283	1	0,364	100,0
22	Куканов печкаси	дона	1	0,032	1	0,047	100,0
	Жами			180,2879		202,9011	

¹ Жадвал муаллиф томонидан «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2011 йилга келиб Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида ҳал хил ўлчамдаги пўлат қувурлар 9049 тонна миқдорида ишлаб чиқарилиб, уларнинг таннари 23,4 млрд. сўмдан ошди. Худди шу маҳсулот тури 2010 йилда ишлаб чиқарилганда 8955 тоннага тўғри келиб унинг таннари 18,5 млрд. сўмга тўғри келган. Кўриниб турибдики, бундай қувурларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган. Сабаби мазкур корхонанинг валюта тушуми айнан шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда кўпаяди. Демак, 2011 йилда ҳар хил ўлчамдаги пўлат қувурлар 94 тоннага кўпайган ҳолда ишлаб чиқарилган. 2011 йилда бундай қувурларни ишлаб чиқаришда маҳсулот таннари 2010 йилдагига нисбатан олганда, 4,9 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этмоқда.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қаторида архив стелажлари ҳам бор. Агар 2010 йилда бу маҳсулот туридан 57 дона ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилга келиб 56 дона ишлаб чиқарилди. Бироқ бу стелажларни тайёрлашдаги таннарида ўзгаришлар содир бўлиб, 2011 йилдаги ҳолатда хом ашё нархи бир оз кўтарилгандир. агар 2010 йилда жами архив стелажларини ишлаб чиқариш учун 99622,4 минг сўм сарфланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 122343,2 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан олганда битта кам стелаж ишлаб чиқарилган.

Бундан ташқари Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида турли ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларни буюртмачилар томонидан ўзлаштирилиши кучаймоқда.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида асосий ишлаб чиқаришдан ташқари ёрдамчи хўжалик сифатида фаолият кўрсатаётган ва мазкур акциядорлик таркибида ташкил этилган кичик буюртма в хизматлар ҳам амалга ошириб борилади. Бундай буюртма ва хизматлар шартнома асосида ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга таклиф этилади. Аммо бу турдаги маҳсулотлар ҳам буюртма бериш ҳисобига ишлаб чиқарилади. Масалан 2010 йилда 29 комплект сув иситадиган котёл ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг нархи 151,5 млн. сўмга тўғри келгандир. 2011 йилда эса худди шундай маҳсулот 31 комплектда ишлаб чиқарилиб уларнинг таннари жами бўлиб, 160,88 млн. сўмга тўғри келди. Агар тегишли йиллар солиштирилса, бир йил мобайнида 2 та котёлга кўпайиш борлигини кўриш мумкин. Сув иситадиган котёл хом ашёси аввалги йилларда олиб қўйилганлиги учун уларнинг нархида сезиларли даражада ўсиш рўй бермади. Демак йиллардаги миқдорий ўсиш 6,9 пунктга ошганлигини келтирилган жадвалдан кўриш мумкин.

Ушбу таҳлил этилаётган корхонада Акфа панжаралари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. 2010 йилда бундай панжараларда 2 дона ишлаб чиқариш амалга оширилган. 2011 йилда буюртма бўлмаганлиги учун 1 дона акфа панжараси ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари флахток, турли ҳажмдаги эшиклар, сотиш растаси учун скамейкалар, ечилинадиган шкафлар, меҳнат анжомлари учун шкафлар, пано, печкалар ва бошқа турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларни сифати доим кафолатланиб борилади.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида 2011 йилга келиб устав капитали 990934 минг сўмни ташкил этди. Бунда ўз маблағлари тарикбидаги резерв капитали 2011 йилда 5552132 минг сўмга тўғри келиб, 2010 йилга нисбатан олганда 2196310 минг сўмга ошган. Худди шундай тақсимланмаган фойда 2010 йилда 1770326 минг сўмга тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 2367226 минг сўмга тўғри келди. Бунда тақсимланмаган фойданинг ўсиши 596900 минг сўмни ташкил этди.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг жами ўз маблағлари манбалари 2010 йилда 7097648 минг сўмга ва 2011 йилда 11425674 минг сўмга тенг бўлди. Бунда 2011 йил ҳолатида 2010 йилга нисбатан олганда жамиятнинг жами ўз маблағлари 4328026 минг сўмга кўпайган. Бошқача айтганда ўсиш суръати 161,0 фоизга тўғри келди.

**3-жадвал. «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг
ўз маблағлари манбалари¹**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи + ; -
1	Устав капитали	990934	990934	
2	Кўшилган капитал			
3	Резерв капитали	3355822	5552132	2196310
4	Сотиб олинган хусусий акциялар			
5	Тақсимланмаган фойда	1770326	2367226	596900
6	Мақсадли тушумлар	980566	2515382	1534816
7	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар			
	Жами	7097648	11425674	4328026

¹ Жадвал муаллиф томонидан «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

**4-жадвал. «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг
узок муддатли активлари¹**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи + ; -
1	Асосий воситалар			
2	Бошланғич қиймати	6017799	6914825	897026
3	Эскириш қиймати	1706020	3262654	1556634
4	Қолдиқ қиймати	4311779	3652171	-659608
5	Номоддий активлар			
6	Бошланғич қиймати			
7	Амортизация суммаси			
8	Қолдиқ қиймати			
9	Узок муддатли инвестициялар	365930	434528	68598
10	Қимматли қоғозлар	2528	2528	
11	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	363402	432000	68598
12	Капитал қўйилмалар	226693	226704	11
	Жами 4+9+12	4904402	4313403	-590999

Биз таҳлил этаётган Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида узок муддатли активлар ҳажмида ҳам ўзгаришлар амалга оширилган. Корхонанинг асосий фондларидаги бошланғич ва эскириш қийматлари йилдан йилга ошган сари қолдиқ қийматида камайиб борувчи тенденция шаклланган. Узок муддатли активлар таркибида узок муддатли инвестициялар амалга оширилган бўлиб, 2011 йилда бу кўрсаткич 434528 минг сўмни ташкил этди. 2010 йилда эса худди шу кўрсаткич 365930 минг сўмни ташкил этганди. Шундай қилиб узок муддатли инвестициялар ҳажмидаги ўсиш суръати 119,0 фоизга тўғри келди.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида капитал қўйилмалар 2010 йилда 226693 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 226704 минг сўмни ташкил этди. Бунда йиллардаги ўзгариш атиги 11 минг сўмга кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур жамиятнинг узок муддатли активлари жами ҳисобда олганда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан солиштирилганда 590999 минг сўмга камайганлигини кўриш мумкин. Бошқача айтганда 2011 йилдаги ҳолат 2010 йилдаги ҳолатга нисбатан олганда 87,9 фоизни ташкил этиб, камайиш тенденцияси мавжуд.

Объект сифатида танланган Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг жорий активлари ҳажмидаги ўзгаришлар 5-жадвалда кўрсатилган. Бунда товар моддий захиралари 2011 йилда 8472526 сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан олганда 3468898 минг сўмга ошганлигини ёки ўсиш суръати 169,3 фоизга тўғри келганлигини таҳлил этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг бошқарилишида ривожланиш сари силжишлар мавжуд. Буни бозор иқтисодиётига мослаб борилиши айниқса диққатга сазовордир. Чунки фақат бозор иқтисодиёти тизими шароитида фаол ҳаракатланадиган корхоналаргина бугунги кунда ижобий силжишларга эриша олади.

¹ Жадвал муаллиф томонидан «Мехмаш» очик акциядорлик жамияти томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

**5-жадвал. «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятининг
жорий активлари**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи + ; -
1	Товар моддий захиралари, жами 2+3+4+5	5003628	8472526	3468898
2	Ишлаб чиқариш захиралари	3430781	6347622	2916841
3	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	543225	1015994	472769
4	Тайёр маҳсулот	951196	1060275	109079
5	Товарлар	78426	48635	-29791
6	Келгуси давр харажатлари			
7	Кечиктирилган харажатлар			
8	Дебиторлар 9+11+12+13+14+15+16	1499278	5547341	4048063
9	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	820870	1560940	740070
10	Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи			
11	Ходимларга берилган бўнак	9543	9806	263
12	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	514332	1112216	597884
13	Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	35446	31173	-4273
14	Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари	258		
15	Ходимларни бошқа операциялари бўйича қарзи		2088	
16	Бошқа дебиторлик қарзлари	118829	2831118	2712289
17	Пул маблағлари, жами	12928414	22904435	9976021
18	Ҳисоб-китоб рақамларидаги пул маблағлари	470027	958936	488909
19	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	3047	10372	7325
20	Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари	12455340	21935127	9479787
	Жами 1+6+7+8+17	19431320	36924302	17492982

2.2. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияларни амалга ошириш даражаси

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти ўз фаолияти давомида бозордаги рақобат муҳитини ҳисобга олиб ҳаракат қилади. Рақобат муҳитида устуворликка эришиш Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг стратегик жиҳатдан белгиланган бирдан бир мақсади бўлиб, бунинг учун янгича ёндашувлар асосида ишлашга тўғри келади.

Шу боис Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида янгилик яратиш асосида меҳнат фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион жараёнларни узвий қўлланилиши корхонанинг бозор муҳитидаги рақобатбардошлигини оширади.

Ҳозирги кунда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида 2.1-бандда келтирилганидек маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, янги лойиҳалар устида иш бошланган. Бундай лойиҳалардан бири мис қувурлари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида мис қувурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳа афзалликдари қуйидагилардан иборат бўлди:

- хом ашё (мис) 100 фоиз маҳаллий бўлиб, мамлакатимизда АГМК томонидан йилига 90 минг тонна атрофида чиқарилади ва шундан 10-15 фоизи маҳаллий корхоналар томонидан қайта ишлашга йўналтирилади. Юртбошимиз тақидлаганларидек, маҳаллий хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида қўшилган қийматни ошириш долзарб масаладир;

- маҳсулот 90-100 фоиз экспортга йўналтирилганлиги сабабли йилига 25-30 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари тушумига эришилади;

- шунда заводнинг йиллик валбтага бўлган талаби 100 фоиз қондирилади;

- корхонанинг ишлаб чиқариш қувватининг ўзлаштириш даражаси 20-25 фоиз дан 50-60 фоиз кўтарилади;

- Наманган вилояти ғазнасига йилига 3 млрд. сўм миқдорида солиқ тўланади;

- янги 120 нафар атрофида ишчи ўринлари яратилади.

Кўриниб турибдики, Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллашга бўлган эътибор жиддий бўлиб, бундан келадиган фойда улуши ҳам анча юқоридир. Бунинг учун албатта корхона миқёсида маркетинг таҳлиллари амалга оширилади ва маркетинг режалар тузилади. Бундай режалар асосида «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти ўзининг бозордаги ҳолатини ва рақобатбардош корхоналарга нисбатан ўрнини белгилайди. Бу эса маркетинг соҳасидаги ўзига хос изланиш бўлиб, инновацион имкониятларни самаралироқ қўллаш имкониятларини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда инновациялардан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва у асосида товарлар ишлаб чиқариб, бозорда рақобатбардошликни ошириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунда инновацияларни қўллашдаги долзарблик Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятини иқтисодий жиҳатдан ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиш мумкин. Инновацияларни қўллаш нафақат технологик жараёнларни ривожланишига, балки аҳолининг тушмуш даражасининг ошишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади¹. Бундан ташқари иқтисодийнинг ўсиш суръатлари ва даражаларига сезиларли таъсирини намоён этади.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида технологик жараёнлар ўзгарувчан бўлиб, техника тараққий этган сари тўхтовсиз равишда рационалаштирилиб борилади. Техника тараққийи технология, меҳнат воситалари ва курулларининг ҳар томонлама такомиллашувидан ҳамда ишлаб чиқаришни илғор тажрибага асосланган

¹ Қаранг: Раҳимова Д.Н. Худойбердиев З.Я., Эшонхўжаев Д. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: Академия, 2003. 93-95 бетлар.

холда замонавий фан ва техника ютуқларини қўллаш орқали ташкил этишдан иборат. Техника тараққиётининг асосий вазифаси ижтимоий меҳнатни ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашдан иборат.

Наманган «Мехмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллашда уч асосий босқич ҳисобга олинади:

Биринчи босқич, илмий тадқиқот бўлиб, бунда илмий ғояларни шаклланишига доир ишлар амалга оширилади. Маълум бир технологик жараёни янгилаш нуқтаи назардаги янгича ёндашувлар синовдан ўтказилади. Синов муддатида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Тадқиқотлар натижаларида аниқ кўрсаткичларда намоён бўлиб, илмий хулосаларга келинади. Илмий хулосалар асосида мавжуд жараёнларни янгилашдаги ёндашувлар ижобий ёки салбий натижалар бериши қайд этилади. Шундай хулосаларга қараб, муайян янгиланиш амалиётга жорий этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги таҳлил қилинади.

Иккинчи босқич, лойиҳа-техника жиҳатдан ишлаб чиқиш. Бу босқичда технологик чизмалар, лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари кўтарилади. Агар мавжуд маҳсулотни такомиллаштириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар ҳар томонлама ўрганилади. Лойиҳалаштириш жараёнида юзага келган муаммолар таҳлил этилиб бартараф этиб борилади. Бунинг натижасида келгусида яратилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил бўлади.

Учинчи босқич, ишлаб чиқаришда ўзлаштириш. Бу босқич бевосита кўпчилишни меҳнатини талаб этадиган босқич ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда хом ашёдан рационал фойдаланиш керак. Бугунги кундаги ишлаб чиқариш жараёнида техникадан фойдаланмаслик мумкин эмас. Чунки ишлаб чиқариш жараёнларида сифат кўрсаткичларининг устувор бўлиши янги техника ёки технологияларни қўлланилиши билан белгиланмоқда.


Юқоридаги фикрларимиздан англаш мумкинки, бугунги кунда Наманган «Мехмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллашда фан-техника тараққиётининг ривожланиши билан боғлиқ қирралари кўп. Чунки янгиланишнинг аксарияти илм-фан йўналишидаги тадқиқот ва тажрибаларнинг натижалари бўлиб, даврга мос равишда мураккабликка томон силжиб бормоқда.

Наманган «Мехмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида фан-техника тараққиётига бўлган муносабат икки асосий йўналиш бўйича амалга оширилади. Биринчиси – бу маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг техник-иқтисодий характеристикаларини яхшилашдир. Иккинчиси – илғор технологик жараёнларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, интенсификациялаштириш, автоматлаштириш, химиялаштириш, газлаштириш, даврий жараёнларни узлуксиз жараёнлар билан алмаштириш, тоза ва концентранган маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳоказо. Бу икки йўналишнинг узвий қўшиб олиб борилиши ва бир-бирига таъсиригина корхонада ҳам, бутун халқ ҳўжалигида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришни таъминлайди.

Наманган «Мехмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида инновацияни қўллаш ва унинг фаолияти маҳсулотларнинг истеъмол қиймати ижодий меҳнат предметларининг фойдали хусусиятларидан шаклланади. Истеъмол қийматини баҳолаш сифат даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, инновация маҳсулотининг янгиланиш, ихтирочилик даражаси каби хусусиятлар йиғиндиси, ҳал этилаётган вазифаларнинг сифат хусусиятлари (мураккаблиги, муҳимлиги, илгорлиги ва бошқалар) орқали талқин этилади.


Шунингдек, ишланма қиймати ва вақти, моддий-техник ва молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги, кутилаётган фойда (иқтисодий самара), атроф-муҳитга таъсир этиш кабилар ҳам янгиланишнинг баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

1-чизма. Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти¹



¹ Чизма муаллиф томонидан «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг иш фаолиятини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган.

2-чизма. Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти томонидан янги махсулот ишлаб чиқариш тадқиқот-технологик цикли схемаси¹



¹ Чизма муаллиф томонидан «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг иш фаолиятини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган.

2.3. Наманган «Мехмаш» очик акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллаш амалга оширилган экан, бу борада корхона томонидан қўрилатган чора-тадбирлар қўламини ижобий баҳолаб бўлмайди. Ҳар бир ишда бўлганидек, корхонада инновацияларни қўллашда ҳам Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида айрим муаммолар юзага келган. Бундай муаммоларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Бугунги кунда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг инновацион бошқарувида илмий-техника ва ишлаб чиқариш-савдо фаолиятига йўналтирилган тенденция юзага келган. Бу тенденция энг аввало ассортиментни кўпайтиришга интилиш доирасида намоён бўлади, яъни ишлаб чиқаришда янги илмталаб этувчи буюмлар солиштирима оғирлиги ортиб боради. Иккинчи томондан эса анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаражатларни камайитиришга интилиш кучаяди.

Жаҳон амалиётида бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Инновацияларни қўллаш натижасида катта фойдаларга эриши билан бирга муайян хавф-хатарнинг мавжудлигидан, яъни таваккалчиликни ноўрин қўлланилганидан зарар кўриш ҳам мумкин. Масалан бугунги кунда, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозли даврда инновацион менежментдаги бундай тенденция айниқса АКШ машинасозлигида сезиларли намоён бўлмоқда. Бирок, радиоэлектроника, ЭХМ ва микропроцессорлар яратишда, алоқа воситалари, авиакосмик техника, энергетик иншоотлар, автоматизация воситалари ва бошқа шу каби соҳаларда аниқ ижобий натижаларга эришилмоқда.

Таҳлилларимизни Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти мисолида давом эттирадиган бўлсак, саноат бўлимларида илмий-техника сиёсати биринчидан корхонанинг умумий хўжалик сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади. Иккинчидан эса саноат бўлимларида ҳал этилаётган оператив-хўжалик масалаларини амалга ошириш воситаси сифатида иштирок этади.

Илмий-техника сиёсати шундай амалга ошириладики, бунда маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқариш йўли билан самарадорликни оширишнинг таъминлашга эришилади, истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаби қондирилади, фирманинг иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида илмий-техника ёндашуви асосидаги бошқарувда жузъий муаммолар юзага келган. Бу муаммолар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аниқ бозорларнинг доимий ўзгарувчанлиги;
- бозор муҳитига ишлаб чиқаришнинг тез ва тўғри мослашувидаги қийинчиликлар;
- бозор ўзгаришларига кўра жорий ва ўрта муддатли режаларга тегишли тузатишлар киритишдаги қийинчиликлар;
- ўзгариб қолган режаларга боғлиқ ҳолда ҳаражатларни минималлаштиришдаги қийинчиликлар.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти бошқарувида ёки инновацияларни қўллашдаги бу каби муаммолар маркетинг изланишида камчиликлар борлиги билан изоҳланади. Чунки маркетинг барча янгиликларни амалга ошириш ёки амалга ошириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосани берадиган соҳа бўлиб ҳам хизмат қилади. Бошқача айтганда бозорни ўрганишдаги вазиятларда хато қилмасликка ҳаракат қилиш керак. Агар хатолар юзага келиб қолса, у ҳолда уларни минималлаштириш имкониятларини ишга солиш талаб этилади. Шунинг учун илмийсоҳада тадқиқотларни олиб боришда ўта юқори даражадаги пухталиқ талаб этилади.

Одатда илмий-техника бошқарувини ташкил этиш 3 та муҳим йўналиш бўйича ишлаб чиқилади:

- янги товарлар ишлаб чиқаришга саноатни йўналтириш;

- саноатни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни техник жиҳатдан тезда янгилашга йўналтириш;
- аниқ эскирган, бироқ алоҳида бозорларда ўз талабига эга бўлган, анъанавий товарлар ишлаб чиқаришга саноатни йўналтириш.

Аммо аксарият корхоналар бундай ёндашувлар асосида ишлашда қийинчиликлар сезадилар. Масалан, Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида ҳам худди шундай муаммолар бор. Чунки илмий изланиш учун ҳам қобилиятли кадрлар ва мутахассислар зарур бўлади. Агар корхонада бундай кадрлар кам бўлиб, ёки бўлмаса, уҳолда инновацияларни қўллаш даражаси умуман пасайиб кетади. Шунинг учун корхона раҳбарияти янги ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида, келажакда иш бошлайдиган янги кадрларнинг илмий салоҳияти ва қобилиятига эътибор берилгани мақсадга мувофиқдир.

Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида илмий-техника бошқаруви қуйидаги асосланган масалаларни ҳал этишни таказо этади: биринчидан, умуман янги маҳсулот ишлаб чиқариш (вазифаси бўйича бозорда бу маҳсулотга ўхшаган маҳсулот йўқ). Бундай ёндашувни амалга ошириш истеъмоличига фаол таъсир этади. Унинг янги эҳтиёжларини юзага келтиради. Бироқ бундай ёндашув илмий тадқиқот ишларини олиб бориш соҳасида жуда катта ҳаражатларни талаб этади. Эътиборли томони шундаки, умуман янги товар ишлаб чиқаришда рақобат товарни лойиҳалаш босқичларидаёқ бошланади. Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида бунинг учун корхона ликвидлилик даражасини оширадиган чора-тадбирларни кўриб бориш зарур.

Иккинчидан, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (бозорда бундай маҳсулотга ўхшашлари бор бўлган маҳсулот). Бундай маҳсулотлар бозорда тижорат жиҳатдан тезда устунликка эришадилар. Корхона НИОКР яъни (ИТТЛИ-илмий-тадқиқот ва тажрибавий лойиҳалаш ишлари) учун йирик ҳаражатларни амалга оширмаса-да, янги маҳсулот билан бозорга тез кириб бориш имкониятига эга бўлади. Бозор тўйингунча ўз улушига эга бўлиб боради. Бундай сиёсатнинг ўзига хос томони шундаки, янги маҳсулотни янада бошқача турларини ишлаб чиқаришга томон йўналтирилган излашлар олиб борилади.

Бироқ бунинг учун ҳам муайян даражадаги инновацион ҳаракатларни амалга ошириш зарур бўлади. Бу ҳаракатлар албатта яна молиявий ҳаражатларни амалга оширишни таказо этади.

Учинчидан, саноатни маҳсулот ишлаб чиқаришга техник жиҳатдан янгилашга йўналтириш. Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида илмий-техника бошқарувининг бундай йўналишда олиб борилиши маҳсулотнинг янги модернизациялашган ва ўзгаришлар киритилган - такомиллашган кўринишда ишлаб чиқаришни талаб этади. Янги техник-иктисодий кўрсаткичлар асосида ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фирмалар рақобати авж олади.

Тўртинчидан, анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришга саноатни йўналтириш асосан эскирган, бироқ ўзига хос талабга эга бўлган анъанавий технология асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишни таказо этади. Маҳсулотлар маънавий эскирган бўлса-да, ўзининг ҳаётий даврининг узайтирилиши ҳисобига бозорда муайян талабга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллашдаги асосий муаммолар тадқиқотларни олиб боришда, маркетинг тизимидан фойдаланишда, илмий салоҳиятнинг даражасига боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Аммо уларни бартараф этиш чора-тадбирлари мазкур корхона раҳбарияти томонидан қўлланилиб борилмоқда.

3-боб. Иқтисодий диверсификациялашда корхонада инновация салоҳиятини ва самарадорлигини янада ошириш йўллари

3.1. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналиши

Маълумки, эскирган технологияларни «...синовдан ўтган замонавий турлари билан алмаштириш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан молиялаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилгани ҳолда тармоқ жадвалларини бир ой ичида тузиш вазифаси Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасига юклатилди»¹. Бу эса инновацион фаолиятни жадаллаштириш зарурлигини англатади. Инновацион фаолиятнинг жадаллашуви бир қатор вазифаларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инновация ва илмий техника соҳасидаги сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни оширишга таъсир этиш;
- инновация ва илмий-техника тараққиётини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- иқтисодий ва молиявий шароитларни юзага чиқариш.

Давлатнинг иқтисодий инновацион ривожлантириш ва саноат корхоналарини технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг асосий инструментлари – бу давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишдир. Мазкур дастурнинг мақсадлари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Натижалари ўрта муддатли шароитларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи, илмий ва технологик инновацияларни давлат томонидан ташкиллаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

2. Илмий-техника тадқиқотлари - амалий-техник тадқиқотлар технологиялар-рақобатбардош маҳсулотни саноат ишлаб чиқариш циклини узлуксизлигини таъминлаш.

3. Дастур доирасида ишлаб чиқилган ва ўзлаштириладиган, прогрессив, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ҳамкорлик қилиш.

4. Илмий инновация ва саноат соҳаларида янги иш ўринларини яратиш.

Давлатнинг Фан-техника тараққиётини бошқариш соҳасидаги тартибга солиш тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

- давлат сиёсатининг аниқ белигиланган мақсадларини;
- белгиланган мақсадларни амалга оширадиган бошқарув органлари ва уларнинг функциялари;
- бошқарув функцияларини тулиқ амалга оширишда тартибга солиш объекти ва ахборот берадиган ахборот тизими;
- давлат бошқарув органларининг қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш инструментлари.

Давлатнинг Фан-техника тараққиётини тартибга солишнинг асосий инструментларига нафақат унинг элементлари тааллуқли бўлади, балки:

- давлатнинг илмий имтиёзлар тизимига мувофиқ, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ресурсларни тақсимлаш орқали илмий техника янгиликларини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб -қувватлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. 169 бет.

- инновацион жараёнларнинг субъектларига турли хил имтиёзларни тақдим этиш (ҳам инновацияларни амалга ошираётган бевосита тадбиркорларга, ҳам уларни у ёки бу даражада қўллаб-қувватлаётган инфратузилма элементларига);
- иқтисодиётда инновацион муҳити шакллантириш ва илмий техник ахборотлар миллий хизматини, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, ҳорижий тажрибани ўрганувчи таҳлилий марказлар, илмий техник ривожланишини прогнозлаштирувчи кадрларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олувчи тадқиқотлар ва ишланмалар таъминоти инфратузилмаси ҳамда улар асосида қарор қабул қилувчи шахсларни устувор илмий, миллий тизимлар билан таъминлашдан иборат.

Ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари муҳим рол ўйнайди. Улар корпорациялар фаолиятининг давлат хоҳлаган йўналишларини, шу жумладан, илмий-техник тараққиётни, экспорт ва инновацион бизнеснинг фаолияти йўналиши рағбатлантиришга қаратилган бўлади. Солиқ имтиёзлари орасида асосий бештасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Янги асбоб-ускуна ва капитал қурилишга ажратилган капитал қўйилмалар миқдорида фойдадан чегирмалар.
- Илмий-тадқиқ учун сарфланган харажатлар ҳажмини солиққа тортиладиган даромадлардан чегирини.
- Илмий тадқиқотлар учун ишлатиладиган айрим турдаги асбоб-ускуналар харажатларини жорий харажатлар сифатида юритиш.
- Фойда фондидан солиққа тортилмайдиган махсус фонднинг шакллантирилиши.
- Фойдани пасайтирилган тарзда солиққа тортиш.

Алоҳида қайд этиш керакки, Европа мамлакатларида инновацион фаолликни ошириш мақсадида давлат кадрлар тайёрлашни тез-тез рағбатлантириб туради. Масалан, Францияда кадрлар тайёрлашга харажатларнинг 25% фоизига ошиши уларни солиқдан озод этилади. Ишсизлик суръатлари катта ҳудудларда бундай харажатлар умуман солиқдан озод этилади.

Агар мавжуд инструментлар ҳаракат йўналиши, тартибга солиш объектининг муҳим муаммоларини ечишга қаратилган бўлса, унда у идеал ҳисобланади. Аммо бугунги ижтимоий-иқтисодий шароитлар даврида ҳеч қандай сиёсат такомиллашган бўла олмайди ва иқтисодиётнинг эркинлашуви шартларини инобатга олган ҳолда, давлатнинг стратегик ва жорий мақсадлари кўпчилик ҳолатларда бир-бирига, қарама-қарши ва доимий ўзгарувчан бўлади. Ўз навбатида, Фан-техника тараққиётини қўллаб қувватловчи ва тартибга солувчи инструментларнинг шаклланиши зарурий рағбатлантирувчи сиёсатини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Республикамызда кўп укладли иқтисодиётни шаклланиши ва Фан-техника тараққиётини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши амалга оширилаётган бугунги кунда, Фан-техника тараққиётини рағбатлантиришнинг молиявий дастакларидан самарали фойдаланиш, жамият тараққиётининг асосий омили ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатларида шундай бозорлар борки, унда табиий монополист пайдо бўлиши мумкин. Кичик фирмалар бўлса ҳам, унга рақиб бўла олмайди, рақобат шароитини яратиш бўлмайди. Масалан, айрим қишлоқ хужалик маҳсулотларини чегараланган ердагина етиштириб бўлади. Бу ҳолатда давлат уларни тартибга солиб туриш, ўз назоратида ушлаш мақсадга мувофиқдир.

Диверсификациялаш шароитларида давлатнинг ўзи эса монополия яратмагани маъқул, қолган монополияларга қарши қонун йўли билан жуда эҳтиёткорона курашиши керак.

Антимонопол сиёсат – бу рақобатни ҳимоя қилиш ва монополиялар пайдо бўлиши ҳамда монопол ҳуқуқдан фойдаланишга қарши тўсиқлар яратиш йўли билан рақобатни кучайтириш сиёсатидир.

Антимонопол сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

1. Ишлаб чиқариш ҳажмини чеклаш: бирор бир корпорация у ёки бу товар ишлаб чиқаришнинг 40-50 % ини назорат қилишга ҳаққи йўқ;

2. Йирик ҳуқуқий шахсларга (одатда мамлакатдаги 1000 та йирик корпорацияга) ўз қўлларида бошқа корхоналарнинг маълум, катта ҳиссасини ушлаш тақиқланади.

3. Антикартел қонунчилиқ, яъни баҳони ошириш учун ҳар хил келишувларни тақиқлаш.

Ривожланган мамлакатлар анча кучли антимонопол сиёсатга эга. Бунинг тарихи эса 1890 йилда қабул қилинган АҚШдаги Шерман қонунига тақалади. Шерман қонунда тармоқ бозорларини қўлга олган трестларни тугатиш ва унинг ўрнига марказлашмаган, рақобат асосида фаолият қилувчи, эркин корхоналарни ташкил этиш назарда тутилган эди.

1914 йилда қабул қилинган Клейтон актида ва савдо коммисияси ҳақидаги Федерал қонунда майда тадбиркорларни химоя қилишга асосий диққат - эътибор қаратилган. Шу масала янада диққат билан Робинсон – Пэтман қонунда (1936 йил) такомиллаштирилди. Клейтон қонунига Селлер – Кефауэр тузатишларида (1950 йил) корпорацияларнинг қўшилиши ва ютилиб кетиши ҳақидаги аниқликлар киритилди.

80-йилларга келиб, АҚШ ва бошқа ғарбий давлатларда кичик бизнес инновацион механизмнинг энг муҳим компоненти, узоқ муддатга иқтисодиётнинг гуллаб яшнашига олиб келувчи инвестиция объекти, деб тан олинди.

3.2. Иқтисодиётнинг тармоқ корхоналарида инновация жараёнларини амалга оширишнинг замонавий стратегиялари

Ўзбекистондаги амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг реал мулк эгалари вужудга келмоқда, бироқ корхоналарда инновация жараёнларини тадқиқ этиш ёки тадқиқ этилганлардан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш заруриятдир. Республикамизда барча саноат тармоқларини рақобатбардошлигини ва экспорт потенциалини кучайтиришда инновациялардан фойдаланишни ривожлантириш заруриятлигини ҳисобга олган ҳолда бу масалаларнинг ечимини топишда мазкур жараённи амалга оширишнинг замонавий ташкилий-иқтисодий ва бошқарув механизмларини шакллантириш ўта муҳим ўринни эгаллайди.

Жумладан, саноат корхоналарида инвестиция-инновация бўлимларини ташкил этиш, ҳамда уни фаолиятини ривожлантириш учун барча қулайликларни яратиш катта иқтисодий самара беради. Бу бўлимнинг фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги қулайликларнинг яратилиши зарурлигини тақозо этади:

- корхоналарда юқори малакали илмий-техник кадрларни, яъни мутахассисликка доир янгиликларни ярата олиш, уни ўзлаштириш ва амалга ошириш қобилиятларига эга мутахассисларни танлов асосида жалб этиш;
- жалб этилган кадрларга уларни қониқтирадиган даражада моддий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратиш;
- жисмоний ёки юридик шахслар, олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари, халқаро ташкилотлар билан инновацияларни ривожлантиришда ҳамкорликни йўлга қўйишни кучайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Ушбу амалга ошириладиган фаолият республикамизнинг иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятларининг қуйидаги иқтисодий механизмларини ишга солади:

- корхоналардаги мавжуд технологияларни юқори модернизация қилиш учун қулай имкониятлар яратилади;
- реал секторлардаги инвестиция оқимларини самарали ўзлаштирилади;
- ишлаб чиқариш корхоналари юқори даражада иқтисодий ривожланади;

- саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида табиий муҳитга кўрсатаётган зарарнинг олди олиниши ёхуд камайтирилади;
- мамлакатимиздаги саноат тармоқларининг импорт улушини камайтириш баробарида экспорт улушини кўпайтиради.

Жумладан, корхонанинг муваффақияти ва рақобатбардошлигининг кафолати унинг фаолиятини самарали инновацион стратегик йўналишларда олиб бориш ҳисобланади. Инновацион фаолият бўйича оптимал стратегияни танлаш ушбу фаолиятни самарали бошқарувининг таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқаришда кўзланган даромад улушни кўпайтиради.

Инновация стратегиясини самаралигини танлаш тадқиқотларни олиб бориш, янги маҳсулотларни яратиш каби фаолият турлари билан бевосита боғлиқдир. Ушбу стратегия асосида стратегик режалаштириш, аввало, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш, яъни корхона ресурсларини ташкил этувчи молиявий маблағлар, ишчи кучлар ва технологиялардан самарали фойдаланишни режалаштиришдан иборат. Бундан ташқари, корхона янги тармоқларни барпо этишда инқирозга юз тутган корхоналарни сотиб олиш орқали самарали «портфелига» эга бўлади ёхуд истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни қайта ишлаш орқали янги истеъмолчиларни жалб этади, хаттоки янги бозорларни эгаллаш имконияти яратилади. Шунингдек, инновация стратегияси асоси бўйича корхона фаолиятини ташқи муҳитдаги ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан режаларни тузиш ва амалга оширишни йўлга қўйиш зарур. Бунда режада ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида иш ўринларини яратиш, истеъмолга зарур бўлган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, аҳолини даромадини ошириш ва корхонанинг иқтисодий салоҳияти юксалади.

Инновацион стратегия назарий ва эмпирик (амалий) тадқиқотлар олиб боришнинг муҳим йўналиши бўлиб, уни амалга оширишда қабул қилган қарорлар янгиликлардан фойдаланиш даражаси бўйича стратегик ва молиявий самарадорлиги ўсиб боради. Шунинг учун раҳбарият янгиликларни қабул қилишига ижобий муносабатда бўлса, уни жорий этиш эҳтимоли юқори бўлади ва белгиланган стратегик мақсадга эришилади. Стратегик мақсадга эришишда аввал мақсад аниқ ва тўғри ифодаланиши, ташқи омилларнинг (мавжуд имкониятлар, хавф-хатар, рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонлари) таҳлилларини аниқ олиб бориш, шундан сўнг инновация стратегиясини танлаш зарур. Ҳозирги вақтда замонавий инновация стратегиялардан, яъни юқори самарага эга бўлган ҳужумкор, мудофаа, иммитацион (ўхшаш) стратегиялардан фойдаланиш корхоналар учун зарурдир. (1-расм).

Ҳужумкор стратегияда тадбиркор инновацион маҳсулотларни биринчилардан бўлиб ўзлаштиради ва бозорга олиб чиқади. Шу орқали тадбиркор ўз фаолиятининг рақобатбардошлигини оширади ва ўзи учун кўп даромад олишига имконият яратади. Чунки ҳужумкор стратегия асосида маҳсулотларни ўзлаштирилишида унинг рақобатчиси бўлмайди. Бу йўналишларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар янгича ёндашувлар асосида оммалашмаган ишлаб чиқариш билан кўпроқ шуғулланидилар. Бу эса уларни биринчилар қаторида бўлишни таъминлайдиган муҳитни келтириб чиқаради. Ҳужумкор стратегия асосида бошқа ишлаб чиқарувчиларга жиддий таъсир кўрсатиш мумкин. Шунинг учун инновацияларни корхонада қўллашдан аввал «SWOT» таҳлилларини ўтказиб бориш йўлга қўйилади.

Мудофаа стратегиясида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини амалга оширишдаги бош вазифаси «ҳаражат-натижа» нисбатларини жадаллаштириш ҳисобланади, яъни олиб бориладиган инновацион фаолиятнинг натижаларини истеъмолчилари аввалдан маълум бўлиши керак. Бундай стратегиялар рақобатчилар билан ҳисоблашиб ёки уларнинг ҳам хатти-ҳаракатларини инобатга олиб амалга оширилади. Бироқ, барча фаолиятлар корхона манфаатига бўйсундирилган бўлади.

Имитацион стратегиядан янгиликлардан фойдаланиш бўйича фаол бўлган корхоналар томонидан қўлланилади. Бундай стратегия технологик ва бозор позицияси

кучли бўлган кичик инновация фирмалари томонидан олиб чиқилган янгиликларнинг асосий истеъмол хусусиятини белгилайди. Истеъмолга қараб янгиликларни амалга ошириб бориш йўлга қўйилади.

Стратегик турларни корхона ўз фаолиятидаги мақсад турини, иқтисодий потенциални ва молиявий маблағларини, ташқи омилларни тўла қилинган таҳлиллари асосида танлаш зарур.

1-чизма. Инновацияларни амалга оширишдаги замонавий стратегиялар¹



Хулоса қилиб айтганда, стратегияни тўғри ва оқилона танлаш корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширади, шу билан бирга экспорт потенциални кўтаради ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

Бизнинг мамлакатда бугунги кунда корхоналарда инновацияларни қўллаш даражасини ошириш талаб этилади. Бунинг учун давлат сиёсатида инновацияларни жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар устуворлик қилмоқда. Бунинг учун унинг

¹ Чизма илмий манбала асосида муаллиф томонидан тузилган.

мотивацияси яхши йўлга қўйилмоқда. Энг муҳими мамлакатимизда ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий база тобора такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун корхоналарда инновацион фаолият мотивациясига жиддий эътибор берилмоқда. Аммо баъзи корхоналарда ҳамон инновацион фаолият мотивациясининг муаммолари ҳақида сўз юритиш мумкин. аниқроғи айрим корхоналарни инновацияларни қўллаш жараёнлари жуда сустр.

Ўзбекистон иқтисодиётининг олдида жуда муҳим стратегик масаллардан бири – бу корхоналарда инновацияларни қўллашдаги салоҳиятни оширишдир. Бу масала технологик кризисдан чиқиш ва ишлаб чиқаришнинг паст индустриал технологик усулининг шаклланишининг тугунли йўналишларида узилишлар пайдо бўлишдан сақлайди.

3.3. Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш иқтисодиётни диверсификация жараёнларида жуда зарур. Илмий ишлаб чиқариш корхоналари янги технологияни татбиқ этган ҳолда янги, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар асосини ташкил қилади. Иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошиши эса, кўп жихатдан ушбу корхоналар фаолиятини муайян баҳоланишини таъминлайдиган услубий ва методологик мосламалар қўлланилишига боғлиқ. Шу муносабат билан, ишлаб чиқариш корхоналарининг молия-хўжалик, инновация ва инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бундан тўғри ва фойдали хулосалар чиқариш, муаммонинг ечимини топиш тўғрисидаги масалалар ривожланган мамлакатлар, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг молиявий фаолияти таҳлили учун махсус стандарт коэффициентлар ишлатилади. Бунинг учун шу соҳанинг кучли мутахассиси бўлиш шарт эмас, энг муҳими, бу маълумотлардан тўғри ва самарали фойдаланишни билиш зарур.

Молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг нисбатини ишлатиш (коэффициентлар) услуги яхши натижалар бериши мумкин. Коэффициентлар тизими корхонанинг молиявий ҳолати ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидаги ўзгаришларни кўрсатади, уларнинг ўзгариш таркибини ва ноаниқликлар, таваккалчиликлар келтириб чиқарадиган салбий омилларни кўра билишга ёрдам беради.

Корхонанинг фаолияти ва уни таҳлили жуда кўп субъектлар: кредиторлар, давлат бошқарув органлари ва рақобатдаги фирма мутахассислари учун зарур. Аммо улар ўз мақсадларидан келиб чиқиб, фаолиятни баҳолашда ҳар хил нуқтаи назардан ёндашадилар. Уларни кўпроқ корхонанинг нафақат молиявий кўрсаткичлари, балкит унинг моддийлашмаган, интеллектуал мулклари, илмий салоҳияти, инновацион ва инвестицион активлиги кўрсаткичлари ҳам қизиқтиради.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолашга йўналтирилган усуллари уларнинг мулк ва фаолият юритиш шакли ҳамда бошқа шунга ўхшаш омилларига қараб ҳар хил бўлади. Қуйида акциядорлик жамияти фаолиятини баҳоланиши кўриб чиқамиз.

Корхона акциядорлари учун асосий нарса бу, компаниянинг фойда билан фаолият кўрсатишидир. Уларни яна фойданинг қандай бўлиниши, унинг қайси қисми инвестицияланаяпти, қайси қисми дивиденд ҳолда тўланаяпти ва ҳоказолар ҳам қизиқтиради.

Корхонанинг иккита кўрсаткичи - акцияланган капитал ва оддий акцияга кўчирилган тоза фойдаси, мулкдорлар инвестициясининг умуман фойдалилигини кўрсатади. Учунчи кўрсаткич - битта акцияга бериладиган фойда, ҳисобот давридаги инвестиция ҳарбир бўлагининг фойдани олишдаги иштирокини кўрсатади.

Тоза акцияланган капиталнинг фойда нормаси коэффициентларни таҳлил қилишда энг кўп ишлатиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Фойданинг йил давомида ҳосил

бўлишини ҳисобга олиб, бу кўрсаткични йилнинг охиридагиси эмас, балки унинг ўртача қиймати кўпроқ ишлатилади.

Оддий акцияларга нисбатан фойда меъёри асосан фондлар бозори таҳлилчилари учунгина зарур, чунки бу корхонанинг "соғломлиги"ни кўрсатадиган кўрсаткич ҳисобланади.

Корхона раҳбарлари ва акциядорлар учун энг муҳими, битта акцияга келаётган фойда бўлиб, шу сабабли ҳам корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда, мақсад ва вазифаларни белгилашда ушбу кўрсаткич асос қилиб олинади. Бунинг устига, шу кўрсаткичлар асосида мутахассис-таҳлилчилар келажак фаолиятни режалаштирадилар, солиштирадилар ва корхонанинг "кучаяётган"лик ёки "кучсизланаётган"лик омилларини аниқлайдилар.

Бозор кўрсаткичи қилиб қуйидаги иккита коэффицент, яъни: битта акция фойдасини акциянинг нархига нисбати ва акцияларнинг бозор нархини унинг баланс нархига нисбати олинган. Биринчи коэффицент корхона фаолияти натижаларини, келажagini бозор томондан қандай баҳоланганлигини кўрсатади, шу асосда кўпроқ бозорда сотилади. Коэффицент фаолият тармоғи ва компаниянинг турига қараб ўзгаради.

Иккинчи коэффицент эса, компаниянинг тўлиқ фаолият натижаларини беролмаслигини ҳисобга олиб, фақат солиштириш учунгина ишлатилади, холос. Корхоналар фаолиятининг кредиторлар, ссуда берувчи фирмалар томонидан баҳоланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кредитор ёки ссуда берувчи муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхонани маблағ билан таъминлаб, ўз мақсадларига эришишга интилади. Шунинг учун кредитор узок йилларга қарз бераётганда корхона фаолиятида кутилиши мумкин бўлган тўсиқларни, таваккалчиликларни диққат билан таҳлил қилади. Бундай баҳолаш кредиторни қанчалик ҳимояланганлигини ва корхонани қарз капиталига қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

Юқоридаги меъерий коэффицентлар тизими корхона раҳбариятининг ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган қарорларига асос бўладиган таҳлиллар учун ишлатилади.

Молиявий ҳисобот корхона фаолиятини баҳолашдаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Одатда, тажрибали аудиторлар ўз ишини фақат молиявий ҳисоботни ўрганишдан бошлайди, уларнинг корхонанинг илмий-техник салоҳияти ёки интеллектуал мулкларни қизиқтирмайди.

Таҳлиллардан шу нарса кўриниб турибдики, бозор шароитида корхоналарнинг яхши фаолият кўрсатишининг асосий омили инновация бўлса ҳам, таҳлил жараёнларида эътибор фақат қуйидагилар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларгагина қаратилмоқда:

- молиявий коэффицентлар тўплами;
- молиявий кўрсаткичлар;
- корхонанинг ўз капиталидан фойдаси;
- оддий акцияларга нисбатан фойдаси;
- битта акцияга тўғри келадиган фойда;
- акцияларнинг бозор ва балансли қийматлари нисбати;
- ўз-ўзини қоплаш коэффиценти.

Шу муносабат билан ҳозирги кучли рақобат шароитида илмий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини, айниқса, инновация фаолиятини таҳлил қилишнинг янги, самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Диверсификация шароитида корхонада инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Илмий фаолият давлат сиёсатининг анъанавий йўналиши бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, мақсади фойда олиш бўлган илмий ғояларни бевосита тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига қўллаш мумкин эмас. Шу сабабли корхона ва компаниялар тадқиқотларни молиявий таъминлашда эҳтиёткор бўладилар, ваҳоланки, уларнинг натижаларидан манфаатдордирлар.

Ҳозирги замон шароитида бизнесни инновацион жараённинг муҳим ресурсларидан бири бўлган — илмий ғоялар ва билимлар билан таъминлаш функциясини ўз таркибига олади. Худди шунинг учун ҳам етакчи давлатларнинг расмий ҳужжатларида илмий-техник тараққиёт ягона занжир сифатида кўрилади: илмий ғоялар ва ишлаб чиқилган ишланмалар - инновацион бизнесни кенг кўламли ривожланишини таъминлайди.

МДХнинг бошқа давлатлари каби бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистонимиз учун ҳам илм ва техника доирасини давлат томонидан бошқаришнинг оқилона шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ИТТ иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон етакчи давлатлари илмий ва инновацион сиёсатининг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг ўсишида илм ва техника улушини ошириш;
- моддий ишлаб чиқаришда прогрессив ўзгаришларни таъминлаш;
- жаҳон бозорида миллий маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш;
- экологик муҳитни яхшилаш;
- мавжуд илмий мактабларни сақлаш ва ривожлантириш.

Давлат ўз сиёсатининг мақсадларини аниқлаш билан бир вақтда принциплар ва бу сиёсатни амалга ошириш механизмини ҳам ишлаб чиқади. Бу принциплар мамлакатда шаклланган хўжалик тизими ва давлат институтларининг иқтисодий фаолиятига таъсирининг чуқурлигига боғлиқдир. Илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг шаклланган механизми 2-чизмада келтирилган.

Илмий ва инновацион фаолиятда давлат сиёсатининг асосий принципларига қуйидагилар киради:

- илмий ва илмий-техник ижоднинг эркинлиги;
- интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳисобланиши;
- илмий, илмий-техник фаолият ва таълим интеграцияси;
- илм ва техника соҳасида рақобатни қувватлаш;
- илмий ривожланишнинг устувор йўналишларида ресурсларни концентрациялаш;
- илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятда ишбилармонликни рағбатлантириш.

Шунингдек, 2-чизмада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида илмий ва инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишнинг шакллари келтирилган.

Жаҳон амалиётида қўллаб-қувватлаш даражаси ва шакллари бўйича қуйидаги кўринишлар мавжуд бўлади:

- фаол аралашган давлат стратегияси;
- номарказлашган;
- аралаш.

Республикамизда хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланади:

Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни қўлаб сиёсат юргизиш.

Иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш.

Учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришда қўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш.

2-чизма. Илмий (А) ва инновацион (Б) фаолиятнинг давлат

томонидан қувватланиш кўринишлари¹

А. илмий фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиш кўринишлари

Х У К У М А Т	Бюджетдан тўғри молиялаштириш
	илмий ишлаб чиқарилган ишланмаларини сотишдан олинадиган фойдани имтиёзли солиққа тортиш
	илмий ташкилотларга тегишли бўлган мулк ва ерга солиқ тўлашдан озод қилиш
	илмий ишлаб чиқарилган ишланмаларни бажариш учун зарур бўлган илмий ташкилотларнинг олиб кирилаётган мулкига импорт божхона тўловларидан озод қилиш

Б. Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиши кўринишлари

Х У К У М А Т	Бюджетдан тўғри молиялаштириш
	Якка ихтирочилар ва кичик тадқиқотчи корхоналарга фоизсиз банк ссудаларини бериш
	Якка ихтирочилар учун давлат патент тўловларини камайтириш
	Ресурсларни тежовчи ихтиролар бўйича патент тўловларини муддатини уяйтириш
	Ресурсларни тежовчи ихтиролар бўйича патент тўловларини муддатини узайтириш
	Жиҳозларни тезкор амортизацияқилиш ҳуқуқи
Технополис ва технопарклар яратиш тармоғини молиялаштириш	

¹ Чизма илмий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Республикада хорижий имтиёзларнинг кенг тизимини вужудга келтирган хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

— ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъий назар, фойда солиғини амаидаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

— Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

— хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

— Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларсиз олиб кириш;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва улами тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро химоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция каби 20 тага яқин давлатлар билан битимлар имзолади.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 2 млрд. АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро қирққа яқин йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимларга амал қилмоқда.

Хулоса

Маълумки, Ўзбекистон нафақат хом ашё балки, тайёр маҳсулотлар етиштирадиган давлатлар қаторидан жой олган. Республикада амалга оширилаётган модернизация жараёнлари замонавий техникаларни қўллаш имкониятларининг яхшиланиб бораётганлиги, инновацияни кенг тарзда қўлланилаётганлигидан далолат беради

Инновацияни қўллаш мақсадида ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шундай экан, иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион фаолиятларни кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодийни диверсификациялашда янги техникани иқтисодийнинг турли тармоқларига кенг кўламда жорий этилмоқда. Бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Аммо биз кўлга киритган ютуқларимизга эмас, балки юзага келаётган муаммоларимизни ҳал этишга томон силжиб борувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, миллий иқтисодийимизни янада ривожланишига шароит яратиш йўлини танладик. Шу боис инновацияни қўллаш масалаларида салмоқли натижаларга эришиб бўлди деган хулосага кела олмаймиз.

Биз тадқиқот олиб борган Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллаш бўйича катта мувафакқиятли ишлар амалга оширилган. Бу борада 2-бобда батафсил фикрлар ва таҳлиллар келтириб ўтдик.

Бирок, Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятидаги юқоридаги каби амалга оширилган ишларни барчасини ижобий баҳолаб, инновацияни қўллаш борасидаги чора-тадбирларни сусайтириш ярамайди. Бунинг учун бу соҳани янада кучайтириш масаласини устувор даражада қўйиш корхона раҳбарияти учун муҳим вазифадир. Бу эса ўз навбатида айрим муаммолар келиб чиқаётганлигини кўрсатиб қўймоқда.

Бугунги кунда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияни қўллашдаги муаммолар қуйидагилардан иборат бўлмоқда.

- аниқ бозорларнинг доимий ўзгарувчанлиги;
- бозор муҳитига ишлаб чиқаришнинг тез ва тўғри мослашувидаги қийинчиликлар;
- бозор ўзгаришларига кўра жорий ва ўрта муддатли режаларга тегишли тузатишлар киритишдаги қийинчиликлар;
- ўзгариб қолган режаларга боғлиқ ҳолда ҳаражатларни минималлаштиришдаги қийинчиликлар.

Бундан ташқари илмий кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар анча суёт даражада ташкил этилган. Инновацияларни қўллаш эса айнан илмий йўналишдаги кадрларга жуда боғлиқ. Шунинг учун таклифимиз шундан иборатки, Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамияти раҳбарияти илмий-текшириш институтлари билан бўлган ўзаро алоқаларни кучайтиришлари зарур.

умуман олганда Наманган «Мехмаш» очик турдаги акциядорлик жамиятида инновацияларни қўллашда юзага келган муаммоларни бартараф этишда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- маркетинг соҳасидаги изланишларни замонавий тамойилларга мослаштириш ва уни амалга ошириш керак;
- лойиҳаларни ишлаб чиқишда бозор муҳитига мос ўзгарувчан вазиятларни ва фавқулотда рўй бериши мумкин бўлган жараёнларни аввалдан ўрганиш чораларини топиш лозим;

- корхонада малакали ва илмий кадрларни кўпайтириш зарур;
- бизнес режаларни тузишда пухта ёндашувларга асосланишлозим.
- корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

Хулоса қилиб айтганда агар юқоридаги каби таклифларимиз амалга оширилса, биз таҳлил этган корхона фаолиятида инновацияни қўллашдаги имкониятлар янада кенгайиб ва диверсификация масалаларидаги муаммоларни олдини олишга катта йўл очилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида». 20-феврал. 2002. (ПФ-3029-сонли).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 4-март. 2002. (77-сон қарор).
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

II. Китоблар ва рисоалар

15. Абдуллаев А., Абдуҳакимов М. Сифат менежменти тизими: самарали татбиқ этиш. «Ҳамкор». 2005-й. 21 апр. 6-б.
16. Абдуллаев Б. Инновация жараёнида хориж тажрибаси имкониятлари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №4-5. 2001-й. 55–56-б.
17. Абдуллаев Б., Абдураимов И. Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш. «Бозор, пул ва кредит». №9. 2005, 66–69-б.
18. Волков. О.И., Скляренко В.К. Экономика предприятия: Курс лекций –М.: ИНФРА

- М, 2005.
19. Мамажонов Х., Пахоменко О. Интеллектуал мулк ва корхона балансидаги бошқа номоддий активлар ҳисобини юритиш. Банк ахборотномаси №34. 1997.
 20. Мамажонов Х. Интеллектуал мулк - сармоянинг энг муҳим манбаи. Банк ахборотномаси № 24. 1995.
 21. Муминов Н.А. «О некоторых механизмах внедрения новых технологий и наукоемкой продукции в условиях рўнка. (Препринт) –Т.: "Кибернетика" 1992.
 22. Муминов Н.А. Технологизация и управление производством – основў рўночнўх структур (Препринт) –Т.: "Кибернетика" 1993.
 23. Муминов Н.А. Илмга таянган тараққийт. // Тошкент оқшоми. 6 ноябрь. 1996.
 24. Муминов Н.А. Келажакни олдиндан куриш-фаннинг асосий вазифаларидан бири. –Т.: ДИТАФ.1995.
 25. Муминов Н.А. Успехом движет опўт. // Народное слово. 26 ноябрь 1996.
 26. Поришев А.Т. Управление инновациями в условиях переходного периода к рўнку. –М.: РицЛО, «Мегаполис» контакт, 1993.
 27. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. (пер. с венгерского). –М.: «Прогресс», 1990.
 28. Санталайнен Т., Бобукойнен Э., и др. Управление по результатам. (перевод с финского), –М.: «Прогресс», 1993.
 29. Склярено В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия: Учебник. –М.: ИНФРА–М, 2005.
 30. Устимов В.А, Управление инновационной деятельностью. –М.: ГАУ, 1995.
 31. Экономика организаций (предприятий): Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004.
 32. Экономика предприятия (фирмў): Учебник / Под ред. проф. О.И. Волкова и доц. О.В. Девяткина. –М.: ИНФРА–М, 2003.
 33. Гуломов С. С. ва б. Инвестицион лойихаларнинг таҳлили. –Т.: 1998.
 34. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
 35. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. -272 бет.

Ш. Интернет маълумотлари

36. http://library.tuit.uz/lectures/men_mar/tehnology_innovation_bozor.htm
37. www.strategyclub.com
38. www.management.ru
39. www.pca.uz
40. www.google.ru
41. www.reviem.uz
42. www.cer.uz

